

август 2016

# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

*O'zingni angla!*

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 24-avgust, chorshanba \* № 34 (993) \* 1996-yil dekabrden chiqa boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.uzhurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ОРШАНБАГАЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони матбуотда эълон қилинди.



17 август куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси давлат бошқаруви ва ички ишлар вазири Хон Юн Сукни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ва "Электрон ҳукумат"ни жорий этиш соҳасида Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлиги форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда ўтган даврда барча соҳада амалга оширилган кенг қўламли сайёҳаракатлар ҳамда эришилган ютуқлар эътироф этилиб, истиқболдаги вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашилди.

19 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган "Энг улуг, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

20-21 август кунлари мамлакатимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди.



сак натижа ортида юртимизда спортга, айниқса, болалар спортга берилган эътибор ва гамхўрлик ўз самарасини берди. Ўзбекистон истиқлолга эришган илк йиллардан асосий эътиборни соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратди. Эътиборлиси, бу борадаги асосий вазифа аҳоли ўртасида оммавий спорт тарғиботини шакллантиришдан бошланган эди. Яқиндагина поёнига етган олимпиадада барчамизга олам-олам қувонч улашган йигитлар эндигина 20-25 ёшни қаршиламоқда. Улар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг туғилиб вояга етган, том маънода кўзлари ёниб турган Истиқлол фарзандларидир. Улар ўзлари учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ота-онасининг, ватанининг орзуларини рўёбга чиқармоқда.

Айниқса, бокс бўйича қўлга киритилган ғалаба, мустақил Ўзбекистон фарзандлари катта салоҳиятга эга эканини яна бир бор намоён қилди. Чарм қўлқоп усталаримиз Рио рингларига мардлик ва жасорат кўрсатди. Улар жаҳонда бокс бўйича энг кучли дея эътироф этиладиган Куба, Россия, АҚШ, Қозғоғистон вакилларидан устунлигини амалда кўрсата олди. Боксчиларимиз олимпиада мусобақаларида 3 олтин, 2 кумуш, 2 бронза, жами 7 та медални Ўзбекистон делегацияси жамғармасига тақдим этишди.

## Мустақил юртнинг Музаффар ўғлонлари

Спорт ихлосмандлари ва жамоатчиликни бирдек ҳаяжонда ушлаб турган XXXI Олимпиада ўйинлари ҳам тарих саҳифаларидан ўрин олди. Сайёрамизнинг 207 та мамлакатидан келган энг кучли ва омадли атлетлар Рио-де-Жанейрода медаллар учун баҳсларда қатнашишди. Қувонарлиси, энг нуфузли бу спорт анжуманида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этишди. Атлетларимизнинг ушбу олимпиадада қайд этган натижалари юртимиз спорт тарихи зарварақларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилади, албатта.

Мамлакатимиз спортчилари Рио—2016 олимпиадасида 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, жами 13 та медални қўлга киритишди. Шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси биринчи мартаба умумжамоа ҳисобида жаҳонда 21-ўринни эгаллади. Қўлга киритилган юксак ғалаба Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида Россиядан сўнг иккинчи, Осиё қитъасида Хитой, Япония ва Жанубий Корея давлатларидан кейин тўртинчи, Марказий Осиёда эса биринчи натижа бўлди.

Кузатганимиздек, Рио-де-Жанейрода бирон-бир ғалаба осонликча қўлга киритилгани йўқ. Ватан шайни ва обрўси учун майдонга тушган ҳар қандай рақиб жон-жаҳди билан курашди. Ортинда она Ватан, халқнинг ғалабангга муштоқ бўлиб турган пайтда ютуқдан бошқа нарса кўз олдинга келмайди. Ҳар ҳолда ўзбекистонлик спортчиларнинг шаҳиди шундай ҳарорат сезилиб турди. Олимпиада фақат спортчиларнинг беллашуви эмас. Олимпиада жуда катта ку-

раш майдони. Айниқса, бугунги кунда у давлатларнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини ҳам белгилайди. Айтиш мумкинки, ор учун курашда бу гал Ўзбекистон муносиб ўрин эгаллади. Олимпиададаги ғалаба Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғрилигини, унинг фарзандлари ҳеч қимдан ҳеч қачон кам эмаслигини яна бир қарра исботлади.

## ШУЛ ЭРУР БАХТИНГ СЕНИНГ...



Тасаввур қилайлик: бир мўъжиза рўй бериб мавлоно Муқимий тирилиб қолса-да, ўзи туғилиб ўсган Қўқон шаҳрини, саёхатномаларида таърифлаган қишлоқларни бугун бир айланса. Қай аҳволга тушар экан? Машҳур асардаги Иван Грознийга ўхшаб ҳайратланиб кетармиди? Ёхуд бугунги авлодлари ақлу фаросатидан, бунёдкорлик салоҳиятидан мамнун бўлиб саёхатномаларини йиртиб ташлармиди? Ҳарқалай шундай бўларди. Чунки мавлоно Муқимий саёхатномаларида тилга олган Ултарма, Дўрмонча, Рошидон, Олтиариқ, Чимён, Водил, Яйпан, Нурсух, Бешариқ, Рапқон каби қишлоқларнинг камчиликларини куюниб ёзган, бу жойлар қачон обод бўлар экан, деб орзуланган.

## ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ – ИЖОД ВА ҒОЛИБЛИК НАШИДАСИ



▶ ТАНЛОВ

Бугунги тинч-осойишта заминда Ватан ҳақида сўз айтмоқ бахти ҳар бир ижодкорга завқ-шавқ, илҳом беради. Ўтаётган ҳар бир кунда тарих зарварақларига муҳрлашга арзигулик бунёдкорлик, яратувчанлик ишларининг изи

бор. Буларнинг барчасини бор бўй-басти билан қаламга олаётган ижодкорларимиз мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилинган қутлуг сана арафасида муносиб тақдирланиб, меҳнатлари самарасидан мамнун бўладилар.

# ШУЛ ЭРУР БАХТИНГ СЕНИНГ...



«Бошланғичи I-бета»

Бинобарин, ҳар қандай инсофу диёнати, кўнгли тоза, ўз юрти чин дилдан севувчи инсон киндик қони тўқилган юртининг ҳар бир гўшасини овоз ва обод кўргиси келади. Муқимий домла ҳам ана шу эзгу ниятлар ила ҳажв қаламини қайраган бўлса, ажаб эмас.

Муқимий туғилиб ўсган, яшаб, ижод қилган Қўқон шаҳри, унинг атрофидаги катта-кичик қишлоқлардан бутун уларнинг номи қолган, холос. Агар шонирни бутун Қўқонга ёки бирон-бир қишлоққа олиб бориб, мавлоно, мана бу сиз таваллуд топган Қўқонда латиф, мана бу қароқчилари сизнинг юрагингизни така-пука қилган Дўрмонча, мана буниси эса сиз селларида қолган Олтиариқ десангиз, зинҳор-базинҳор ишонмаслиги аниқ...

Шошманг, нималар деямиз ўзи. Муқимийнинг ўтганига бир асрдан ошди-ку. Бу жойларни бир аср уёқда турсин, чорак аср бурун кўрган одам бутун муқимийни танимаслиги тайин-ку.

Яқинда бир танишим айтиб қолди: Қўқонга борганимда, болалигим ўтган, ота-онам яшаган уйни, кўчани, маҳаллани бир кўриб кетай деб, роса овора бўлдим-да. Бир йилгидан сўрасам, елка қисди, бунақа маҳаллани билмайман, деди. Ёши улгуроқ кишидан сўраган эдим, қўқонча аския қилди: биродар ойдан тушганмисиз? Қирқ йил олдинги кўча-маҳаллани сўрайсиз, икки-ўч йил олдинги жойларни топши қийин-ку, деди. Сўнг юринг мен билан, деб йўл бошлади. Қаёққа десам, сиз сўраган маҳаллага олиб бораман, деди. Орқасидан эргашдим. Кенг, равон, биринчи қавати дўқон, хизмат кўрсатиш шохобчалари бўлган гавжум бир кўчада тўхтади. Менга қараб, эсладингизми, деди. Елка қисдим. Болалигингиз ўтган, ота-онангиз яшаган кўча мана шу, деди. Бехири бобалигим кўз ўнгимда жонланди: тор, илониз кўчалар, пастанг лойсувоқ уйлар... Индамай қолганимни кўрган оқсоқол, энди тушундингизми, деди. Бош иргадим. Билишимча, Қўқонга келмаганингизга анча бўлибди-да, деди. Тан олдим. Одам боласи киндик қони тўқилган жойга тез-тез келиб туришни лозим, деди. Миқ этолмадим...

Мамлакатимизнинг исталган шаҳари ёки қишлоғига 10-15 йилдан бери бормаган бўлсангиз, бир бориб кўринг-а. Аниқ айтаман, таниёлмасиз. Булар Президентимиз раҳнамолигида бутун мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг самаралари.

Бир пайтлар Қўқоннинг ёқимсиз иссинга, шамоли олиб келадиган қум аралаш чанг-тўзонига чидаб бўлмади эди. Бутун бу ердаги ободонлаштириш иш-



рини кўриб ёқа ушлайсиз: ҳамма ёқ кўм-кўк, фавворалар кўзни қувнатади, дилни яйратади. Кўчалар кенг, равон. Одамлар сайр қилиши, дам олиши учун замонавий боғлар, хиёбонлар бунёд этилган.

Қўқон театри реконструкция қилинаётган экан. Вилоят ҳокими Шухрат Ганиевни курувчилар билан ниманидир муҳокама қилаётган чоғида учратдик.

Қўқон тарихий шаҳар, бу ердан кўп улуг зотлар ўтган. Бу театр шаҳарнинг бутунги хуснига тўғри келмайди. Шу боис театр биносини реконструкция қилаётиб, деди ҳоким. Бехири ҳаёлга берилиб кетдим. Биз чинданам бахтиёр халқимиз, юртимизга Оллоҳнинг назари тушган рости. Ахир, бутун дунёнинг қанча-қанча мамлакатларида одамлар оч-наҳор, усти юпун, болалар касал, ўқиш-ку ҳаёлига ҳам келмайди. Эртаси қандай ўтишини билмайди. Бир кунни тинч ўтса, шунинг ўзи катта бахт улар учун...

Шукурки, биз бундай ташвишу хавотирлардан холимиз. Наники, бугунимиздан, эртаимиздан ҳам, умуман, келажгимиздан кўнглимиз тўқ. Шунинг учун уй-жойлар қураётимиз, йўлу кўприклар солаётимиз, санъат қосоналари бунёд этаётимиз, эскиларни таъмирлаётимиз, айримларини реконструкция қилмоқдамиз...

Данғара, Олтиариқ, Риштон туманларида баъзи нарсалар алоҳида эътиборимизни тортди. Аввало, одамлар чехраси, кайфияти. Ким билан гаплашманг, юзида табассум, ҳаётдан мамнулик уфуриб турибди. Юзлари тиник, кулгуси бегубор. Хусусан, ёшларнинг кўзидан ўт чақнайди — одамнинг ҳаваси келади. Турмуши фаровон, оиласи, юрти тинч, эртасига ишончи комил одамларда шундай кайфият бўлади. Йўл-йўлакай атрофга разм соламан. Бир қарич бўлса-да бўш жой йўқ. Экин-тикинлар ҳам, дараклар ҳам дид билан экилган. Ҳамма жой саранжом-сарингта — меҳмон келишига тайёргарлик кўрилган ҳовлига ўхшайди. Бу деҳқончилик маданияти юксаклигини намойиш этиб турибди. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида Франция, Германия, Бельгия, Швейцария каби Европа мамлакатларида бўлганимда шундай манзарани кўриб ҳавасим келгани ёдимга тушди. Бутун бизнинг далалари-

миз, деҳқончилик маданиятимиз улардан ўтса ўтадики, асло қолишмайди. Бу — ер ўз эгасини топганининг самараси. Бу — ерга, меҳнатга муносабат ўзгарганининг натижаси. Бутун бу меники, бу ҳамманики деган тушунча, қараш йўқ. Илгари одамлар ўзининг нарасини (у ер бўладими, мол-мулк бўладими — фарқи йўқ эди) авайлар, эҳтиёт қилар, ҳамманики (яъни, колхоз-совхозники — давлатники) билан иши йўқ эди. Машҳур «Келинлар кўзғолони»даги Фармонбининг гапи ёлга тушади. «Давлатникининг жони қаттиқ,



балоям урмайди». Энди одамларимизда бундай қараш йўқ. Чунки давлат — бу сизу биз, давлатнинг ери, мулки — бизнинг еримиз, бизнинг мулкимиз. Буни одамлар аллақачон тушуниб етган — дунёқараш, фикрлаш тарзи ўзгарган. Шунинг учун ҳам барча соҳада йилдан йилга улкан ютуқларга эришмоқдамиз.

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хунармандликни ривожлантиришга қаратилган эътибор самараларини ҳар жабҳада кўриш мумкин. Риштонлик машҳур кулол Тоҳиржон Хайдаров ишлари билан танишиб, инсон қўли тул деган ҳикматнинг ростилига яна бир бор амин бўлдик. Олдий лойлан ясалган буюмларга боқиб тўймайсангиз, Морта нозик дид билан ишланган безакларга термилиб, бунинг учун қанчалар юксак дид, билим, энг муҳими, сабр-тоқат кераклигини ўйлаб кетайди одам.

Сопол лаганларга Алишер Навоий, Ҳофиз Шерозий, Умар Хайём, Бобур сингари мумтоз шoirлар ижодидан намуналар богирилиб, уларнинг мазмунига мос суратлар чизилган. Санъат

ва адабиёт мужассам. Мени ҳайратта солган яна бир нарсга уста кулол ўнлаб адибларимизга шарҳлар ишлаган. Бу лаганлар идишдан кўра кўпроқ санъат асарини сафатида қадрироқ... Уста билан суҳбатлашиб, олам-олам завқ оласиз. Билим доирасининг кенглиги, дунё воқеаларидан, сиёсий жараёнлардан маънадорлигига, воқеаларга муносабат билдиришига тан бермай иложингиз йўқ. Ижодкорларга хос эҳтирос билан жўшиб сўзлайди. Уста кулолнинг фикр-мулоҳазаларини тинглар эканман, юртдошларимизда элу юрт, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси кучайиб, бефарқлик, лоқайдлик каби иллатлардан қутулаётганимиз ҳақида ўйлашим ва ич-ичимдан суюндим.

«Хунарманд» уюшмаси Марғилон шаҳар бўлимининг раҳбари Расулжон Мирзааҳмедов, «Қўштепа ипак гиламлари» корхонаси раҳбари Иброҳимжон Султонов билан суҳбатда, улар фаолияти билан танишганда бу қувонч, бу гурур янада ортди. (Дарвоқе, бундан йигирма йиллар олдин иш бошлаган «Исомилжон гиламлари» хусусий кор-

хонасини ҳам И.Султонов очган экан. У ерда ҳозир 800 киши ишламоқда.) Улар ўзлари ишлаб чиқараётган адрас, атлас матолари, ушбу газламалардан тикилган кийимларни, ранг-баранг гиламларни асосан экспортга чиқараётганини сўзлаб берди. Бу гапларни мақтаниб, ҳаяжонланиб, керилиб айтаётгани йўқ, оддий, кундалик иши сифатида ҳикоя қилиб берди. Аслида ҳам шундай: Осиё, Европа, Америка мамлакатларига маҳсулот етказиб бериш улар учун кундалик юмуши. «Биз фақат буюртма асосида ишлаймиз, маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқмаймиз, бунга эҳтиёж йўқ», дейди Иброҳимжон Султонов. У «Ташаббус — 2014» вилоят босқичида голиб бўлган экан. Бунинг учун ўзи эмас, фарғоналик ҳамкасбларимиз айтиб берди.

Қаранг, биз ҳам бу гапларни ҳис-ҳаяжон, эҳтиросга берилмай, оддийгина қилиб ёзаямиз. Гўё доимо шундай бўлиб келгандай. Холбуки, яқин-яқинларда ҳам хориж маҳсулотларига оруманд эдик. Яна Фармонбининг гапини эслаймиз: «Чет элники

хонасини ҳам И.Султонов очган экан. У ерда ҳозир 800 киши ишламоқда.) Улар ўзлари ишлаб чиқараётган адрас, атлас матолари, ушбу газламалардан тикилган кийимларни, ранг-баранг гиламларни асосан экспортга чиқараётганини сўзлаб берди. Бу гапларни мақтаниб, ҳаяжонланиб, керилиб айтаётгани йўқ, оддий, кундалик иши сифатида ҳикоя қилиб берди. Аслида ҳам шундай: Осиё, Европа, Америка мамлакатларига маҳсулот етказиб бериш улар учун кундалик юмуши. «Биз фақат буюртма асосида ишлаймиз, маҳсулотларимизни бозорга олиб чиқмаймиз, бунга эҳтиёж йўқ», дейди Иброҳимжон Султонов. У «Ташаббус — 2014» вилоят босқичида голиб бўлган экан. Бунинг учун ўзи эмас, фарғоналик ҳамкасбларимиз айтиб берди.

Қаранг, биз ҳам бу гапларни ҳис-ҳаяжон, эҳтиросга берилмай, оддийгина қилиб ёзаямиз. Гўё доимо шундай бўлиб келгандай. Холбуки, яқин-яқинларда ҳам хориж маҳсулотларига оруманд эдик. Яна Фармонбининг гапини эслаймиз: «Чет элники

деса, хўроққандни ҳам ётиб олиб ялайди-я». Бугун бунинг акси, яъни, хорижликлар «Ўзбекистонники десга, хўроққандни ҳам ётиб олиб ялайди», десак хато бўлмайди...

Фарғона шаҳрида 2014 йил декабрь ойида Театр-концерт саройи очилганидан хабарингиз бор. Шу кунларда ана шу муҳташам сарой олдидаги бог-хиёбонда мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган «Ўзал ва бетакроримсан, муқаллас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилаётган экан. Ҳар оқшом бог минг-лаб одамлар билан гавжум. Тадбирда шoirлар, адиблар, олимлар, маърифат тарғиботчилари Ўзбекистонимизнинг 25 йил давомида эришган ютуқлари ҳақида турли соҳалардан олинган аниқ мисоллар билан гапириб бермоқда. Санъаткорлар Ватан, истиқлол ҳақида қуйламоқда. Қарийиб қирқ гектарли бог-хиёбон гўё сайлгоҳ. Ҳамманинг чехрасида кулги, шоду хуррамлик. Ким рақсга тушган, кимдир фаввора атрофида фарзандлари билан музқаймоқ еган ва ҳоказо.

Дарвоқе, Фарғона вилояти театри драматург Сайдали Одилов пьесаси асосида Ал-Фарғоний фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи сахна асари тайёрлабди. Асарни Ўзбек миллий академик драма театрининг режиссёри Марат Азимов сахнага қўйибди. Бош ролни шу театр актёри, асли Фарғона фарзанди Муҳаммадали Абдуқундузов ижро этаётган экан. Спектакль кўригига иштирок этдик. Мени ҳайратта солган нарсга — яқшанба кунни бўлишига қарамай, минг ўринли Театр-концерт саройи томошабинлар билан гавжум. Бу Фарғона аҳлининг санъатсеварлигидан бир далолат эди...

Фарғона савфаримиз таассуротларини маълумо Муқимий ижодидан бошлаган эдик. Мумтоз шоиримиз бир газаляда «Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонамен», деб қуяниб, ранжиб ёзган. Юқорида айтганимиздек, мўъжиза рўй бериб Муқимий домла Фарғона вилоятининг бутунги кўркам жомолини, одамларга яратилган шайларни, бунёд этилаётган замонавий уй-жойларни, меҳнат, ижод аҳли нақалар улугула-наётганини (етти нафар фарғоналик Ўзбекистон Қадрахмони унвонига сазовар бўлган, бошқа унвонлару орден ва медаллар соҳибларини санаб чиқиш қийин) кўрса, савҳатномалари билан бирга ўша машҳур газаляни ҳам албатта йиртиб ташларди. Ўрнига «Шул эрур бахтим, Муқимий, мардуми Фарғонамен», деб ёзарди. Биз ҳам бутунги фарғоналикларга қарата: «Шул эрур бахтинг сеннинг, мардуми Фарғонасен!» дегимиз келди.

Маматкул ХАЗРАТКУЛОВ

## Qishloq Qurilish Bank

Сўнгги йилларда юртдошларимиз, тадбиркорлар ўртасида банк хизматларига бўлган ишонч ортиб борапти. Шунинг баробарида банклар ўртасидаги рақобат ҳам. Ҳар бир банкнинг мижозларга бериладиган янги, қулай тақлифлари устида ишлаши эса унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқмоқда.

### «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»ДА БАРЧАСИ БАРҚАРОР

Акциядорлик-тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» Ўзбекистон банк-молия секторига ўз ўрнига эга етакчи тижорат банкларидан биридир. Бутунги кунда банк тизимида 42 та филиал, 48 та минибанк ва 186 та шохобча фаолият юритмоқда. Уларда 692 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахс мақомидаги мижозларга хизматлар кўрсатилади. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра банкнинг соф активлари 5 122,9 миллиард сўмга ва жами капитали тўлиқ 464,3 миллиард сўмни ташкил қилгани эса янги мижозлар учун «ишонч суғуртаси» бўлиши тайин.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка берилаётган юксак эътибор банклар фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг ушбу фаолият турини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида эришаётган натижалари ҳам диққатга сазовар.

Хусусан, 2010—2016 йиллар давомида имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан ажратилган кредитлар 23 203 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга 109 683 миллион сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси учун 716 988 миллион сўм йўналтирилгани сўзимиз исботидир.

Шунингдек, 2009—2016 йиллар давомида кредитлар учун 2 402 708 миллион сўм, озиқ-овқат истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 427 139 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 536 706 миллион сўм, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 304 604 миллион сўмлик маблағ ажратилган.

2011—2016 йиллар давомида касб-хунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 62 734 миллион сўм миқдорда берилган кредит янги тадбиркорларнинг сафга қўшилишига омил бўлиб хизмат қилди. Банк мижозлари томонидан рақобатбардод, юқори сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, маҳаллий корхоналарни техник ва технолодик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида 212,4 миллиард сўм миқдорда молиявий қарз ажратилди.

Банк республикамизнинг қишлоқ жойларида сервис хизматларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мазкур мақсадларга жорий йилнинг 7 ойи давомида 47,1 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилгани соҳани янада тараққий топишида хизмат қилиши табиий.

Жорий йилда банк инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга фаол иштирок этмоқда. Утган етти ой давомида инвестиция мақсадларига йўналтирилган маблағ 963,4 миллиард сўмга етди. Йўналтирилган маблағларнинг 173,8 миллиард сўми иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган инвестиция кредитлари ташкил этади. Жумладан, жорий йилда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган инвестиция кредитлар асосида сановат соҳасининг 37 миллиард сўмлик, кишлоқ ҳўжалигининг 11,4 миллиард сўмлик, транспорт ва коммуникация соҳасининг 17,7 миллиард сўмлик, қурилиш соҳасининг 29,5 миллиард сўмлик моддий-техник таъминот ва машиий хизмат кўрсатиш соҳасининг 41,6 миллиард сўмлик лойиҳаларига ҳамда бошқа секторларда фаолият юритувчи субъектларнинг 36,6 миллиард сўмлик лойиҳаларига инвестиция кредитлари берилди.

Бу оддий рақамлар эмас. Балки улар ортда улкан бунёдкорлик ишлари, ишбилармонлик, фаровон ҳаёт сари ташланган қадамлар бор. Бу қадамлар эса борган сари дадиллашиб бораверди. Зеро, йўллар захмати ортда қолган, пойдевор эса ишончли.

Феруза НУРМАТОВА

# Енги саломатимизнинг салмоқли ютуқлари

► ФАХР

Истиқлол йилларида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида бўлгани каби енгил саноат соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, тўқимачилик саноати сўнгги пайтларда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Юртимизда етиштирилган пахта ҳосилини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада соҳага жалб этилган қатор инвестициялар алоҳида аҳамиятга эга. Амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мамлакатимизнинг экспорт имкониятлари ҳам юксалаётган. Натижада тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилган корхоналар сафи кенгаймоқда.

Пахтачилик соҳаси нафақат навлар сифатини яхшилаш ва пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш ҳисобидан, илгор жаҳон тенденция-

лари асосида ривожланиб бормоқда. Пахта тўйлаш бўйича янги тизим жорий этилгани маҳсулотнинг товар кўринишини янада яхшилаш, таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш имконини берапти. Чунки пахта толасидан ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли товарлари ўзининг табиийлиги ва юқори сифати билан ажраллиб туради. Шу боис жаҳон бозорига ўзбек пахтасига бўлган талаб юқори.

«Ўзбекистон саноат» акциядорлик жамияти таркибидagi корхоналарнинг маҳсулотлари, ўзининг замонавий дизайни, юқори сифати билан дун-

ёга машҳур брендлар билан рақобатлаша олади. Акциядорлик жамиятига қарашли 375 га яқин текстиль, тикув-трикотаж корхоналарида жаҳон андозаларига мос товарлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхоналар орасида дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ивесторлар билан ҳамкорликда ташкил этилганлари ҳам талайгина. Сўнгги йилларда юртимизда тайёрланаётган енгил саноат маҳсулотларига хорижда ҳам катта қизиқтиш билдирилмоқда. Ўзбекистоннинг минг-лаб тўқимачилик ва тикувчилик-трикотаж корхоналари калава, газлама, бўялган ва аралаш ип, трикотаж мато, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари, шунингдек, пайпоқ, махсус тайёрланган матолар, махсус кийим-кечак ва бошқа товарлари ишлаб чиқармоқда. Бутунги кунда эркаклар, аёллар ва болаларнинг турли хилдаги либослари, спорт кийимлари, шунингдек, яримтайёр маҳсулотлар дунёнинг 50 дан зиёд давлатларига етказиб беришмоқда ва экспорт географияси мунтазам кенгаймоқда. Юртимизда тўқимачилик ва

2016 йилнинг биринчи ярмидан 46 та янги турдаги, 240 та янги модель ва ассортиментдаги маҳсулотларни тайёрлаш йўлга қўйилди. Габардин ва вафил газламалар, сиртига рақамли усулда тасвир туширилган ҳар хил матолар, костюмлар, катталар ҳамда болалар учун шимлар, сочқилар ва ха-

тикув-трикотаж корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар МДҲ ва Европа давлатлари, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Канада ҳамда қатор араб мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Айрим мамлакатлар, хусусан, АҚШда дилерлик бўлимлари фаолият кўрсатмоқда ва мамлакатимизнинг жаҳон бозорига дағи ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. 2015 йил якунлари бўйича экспорт ҳажми 1 миллиард АҚШ доллари билан. Маҳсулотларимизни харид қилувчи давлатлар сафига Лотин Америкаси давлатлари, Жанубий Корея, Сингапур, Эрон, Покистон, Грузия, Хорватия ҳамда Нигерия каби мамлакатларнинг ҳам қўшилгани алоҳида эътиборга моликдир.

«Ўзбекгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан мана

латлар шулар жумласидандир. Уларнинг дастлабки ишлаб чиқарилганлари экспорт қилинмоқда. Ва ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойида «Ўзтекс», «Осборн текстиль», «Текстиль Милл Ташкент», «Бонфанда», «Барчин», «Орзу текс», «Пластекс», «Нил-Гранит» сингари 90 дан ортиқ енгил саноат корхонаси Германия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ҳамда Латвия сингари давлатларда ўтказилган халқаро тўқимачилик кўргазмаларида қатнашиб, умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларлик экспорт шартномаларини имзолашга муваффақ бўлди.

Айтиш керакки, текстиль саноатидаги муҳим тармоқлардан бири тўқимачилик соҳасининг ишлаб чиқариш кўлами ва экспорт кўрсаткичлари йил сайин ортмоқда. Утган йилда маърузи дастурига биноан 180 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, уларнинг ижросига киришилди.

«Ўзбекгилсаноат» акциядорлик жамияти томонидан мана

шу йилда умумий қиймати 227,7 миллион долларлик яна 32 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган бўлиб, уларни ўз муддатда бойдаланишига топшириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги фармонида биноан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда ишлаб чиқаришларни ислох этиш, модернизация ва диверсификация қилиши таъминлашга доир дастурга мувофиқ, ушбу даврда 900 миллион долларлик тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини йўналтириш ҳисобига 77 та йирик лойиҳани амалга ошириш, бўялган ип ишлаб чиқариш қувватларини 3 баробар, трикотаж матоларини 1,5 баробар, тайёр газламани 2 баробар, тикув-трикотаж маҳсу-

лотларини 3 баробар, пайпоқ маҳсулотларини 2 баробар кўпайтириш саноат моллари таркибига тайёр маҳсулотлар улушини 70 фоизга чиқариш, 40 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш, республикамизда ички ҳамда ташқи бозорда талаб катта бўлган тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотларини босқичма-босқич ўзлаштириш асосида либослар коллекциясини яратиш учун мода индустрияси тараққий этган давлатлардан дизайнерларни жалб қилиш кўзда тутилган.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида умумий қиймати 90 миллион долларлик ҳамда 1600 дан ортиқ иш ўрнига эга бўлган янги 11 та корхона бойдаланишига топширилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, тараққийнинг «ўзбек модели» ҳар томонлама пухта ўйланган муҳим дастуриламал эканини ҳаётнинг ўзи, юртимизда эришилаётган мислсиз муваффақиятлар ҳам тасдиқлаб турибди. Энг муҳими, мазкур ютуқлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга ҳамда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Меҳрибон ЭШКУВВАТОВА

# Қоровулбозорлик

## ▶ ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Фермер — деҳқончилик илмини чуқур биладиган, замон билан ҳамнафас ишлайдиган салоҳиятли раҳбар дегани. Деҳқон деганда айримларнинг кўз олдига ерга чигит қадаб, ундириб олгач, ғўзани меҳр билан парваришлаб, йиғиштириб олган пахтасини давлатга топширадиган, кейин баҳоргача ҳордиқ оладиган киши келади.

**Х**олбуки, бу тасаввур ва тушунчалар аллақачон эскириб, барҳам топган. Бугунги фермер бошқа тоифадаги деҳқон. У ўз тасарруфидан ҳар бир қарич ер учун, сув, ўғит учун, ҳосил учун масул ва жавобгар шахс. У маҳсулот етказиб бериш учун давлат билан шартнома тузади. Бу ниҳоятда жиддий ва масъулиятли ҳужжат. Яқин ўтган йиллар ичида қўлаб фермер хўжалиқлари фаолиятини тугатгани, айримлари ҳатто 2-3 йилга дош беролмагани сабаби ана шунда. Чунки ҳисобини билмаган ҳамёнидан ажралибди, деб бежиз айтмайди.

Бошқа туманларда фермерлик қилиш балки осондир. Аммо Қоровулбозор ўз иқлими ва ер тузилиши билан “маманан” деган ишчан фермерларни ҳам эсанкиратиб қўйиши мумкин. Бунинг энда ҳамма яхши билади. Шу сабабли Қоровулбозордан ер олиб, фермерлик қилишга ҳар ким ҳам ботинавермайди. Бу ҳудуд замини бир сўзлик, ваъдасининг устидан чиқадиган, меҳнатдан чарчаймайдиган фермерларни ёқтиради. Бугун туманимиз кенгликларидан иссиқни-иссиқ, совуқни-совуқ демая, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириётган, ўз рўзгорини бутлаб, эл ризқига ризқ қўшаётган ана шундай фидойи инсонлар кўпчиликини ташкил этади.

Асли касби ҳисобчи бўлган Савриддин Умаров яхши ният билан “Умар Шариф” фермер хўжалигини ташкил этганига 18 йил бўляпти. Ушанда 1999 йил эди. Дастлаб пахта ва галла етиштиришни кўзлаган фермер галла-деҳқончилик ишларини йўлга қўйгач, қишлоқ хўжалигининг бошқа самарали соҳаларига ҳам қўл уришга жазм этди. Бугунги кунда хўжаликка тегишли 600 гектар яёлов чорвачилик қилиш учун асосий озуқа манба бўлса, жами 237 гектар ернинг 171 гектари галла, 101 гектари пахта етиштириш учун ажратилган. 2 гектар ерда барпо этилган интенсив богда олма, ўрик, шафтоли мевали дарахтларининг серҳосил навлари агротехника қоидалари асосида меҳр билан парвариш қилинмоқда. 3 гектарли иссиқхонада етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари қиш бўйи туман ва вилоят дастурхонига файз киритмоқда.

Биргина пахта ва галлага кўз тикиб ўтириш замонавий фермер учун кони зарар. Чунки Қоровулбозорнинг аёвсиз иқлими гоҳида йил бўйи қилнган меҳнатни йўққа чиқариши ҳеч гап эмас. Хўжалик ҳисобига олинган яёлов туйфайли ҳозир 107 бош қорамол ва 200 бош демай, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириётган, ўз рўзгорини бутлаб, эл ризқига ризқ қўшаётган ана шундай фидойи инсонлар кўпчиликини ташкил этади.

Бир замонлар 70-80 гектар майдони бўлган бригадала 50-60 киши колхозчи сифатида рўйхатда турар ва улarga арзимас иш ҳақи тўланарди. Ҳозир

хўжалик ишларини доимий 18-20 киши бошқарса, мавсумий ишларга тахминан 80-100 киши жалб этилади. Чунки галла-деҳқончилик ишлари асосан техника ёрдамида амалга оширилади. Хўжаликда 10 та техника воситалари ва механизмлар бўлиб, улар барча агротехника талбирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун етиб ортади. Хўжалик ҳатто кредитга олган “Класс Доминатор” галла ўрим комбайнини шартнома асосида қўшни хўжаликларга ижарага бериб туради. Маҳсулотларни ташвиш, хўжалиқнинг бошқа юмушларига мўлжалланган юк машинаси ҳам доимо техника соз ҳолда сақланмоқда. Дарвоқе, 2008 йилда кредитга олинган галла ўриш комбайни аллақачон ўз харажатиини қоплаб, хўжалик фойдасига ишламоқда.

Фермер 2014 йилда “Турон” банкнинг виллоят бўлимидан 180 миллион сўм кредит маб-лағ олиб, 1,5 гектар майдонда иссиқхона ташкил этган эди. Утган йили виллоят бозорлари-га чиқариладиган помидор ва бол-ринг бу ерда меҳнат қилаётган етти нафар ишчининг сая-ҳаракати самарасидир.

Бу борада Савриддин Умаров иссиқхона яқин вақт ичи-да хўжаликнинг энг сердаро-мад тармоғига айланишига ас-тойдил ишонди.

Ҳозирги фермер хўжалик тармоғини қанча кенгайтирса, оладиган даромади, соф фой-даси янада ортади. Хўжалик галла шийпони ёнида ташкил этилган тегирмон, новвойхона, макорон ишлаб чиқарадиган шехда кишилар доимий иш би-лан банд ва аҳолига сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

Фермер — аввало раҳбар. У хўжалигида меҳнат қилаётган инсонларнинг яқин кишиси, оладиган ҳамхўрлик қилиши ке-рак. Шу мақсадда бу ерда 20 кишига мўлжалланган ётоқхо-на мавжуд бўлиб, унинг меъ-



мори фермернинг ўзидир. Ер-ғўла мақомида барпо этилган ушбу бинога кирсангиз, чўлда бундай замонавий талабларга жавоб берадиган ётоқхона бор-лигига ишонгингиз келмайди. Ер остидagi бино аввало ёз жа-зирасидан, қиш аёздан сақ-ласа, ундаги кийимхона, душ-хона, ошхона замонавий қури-лиш ва пардозлаш жиҳозлари билан маромига етказилганки, кўриб баҳри дилингни очила-ди. Телевизор ва бошқа радио-техника воситалари дам олиш соатларида сизни зеркиқшдан халос этади.

Ҳа, ҳисобини биланганинг ҳамёни доим тўла бўлади. Иш билганга — минг танга деган-ларидек, ўтган йили қўлга ки-ритилган соф фойда 140 мил-лион сўмини ташкил этди. Бу оз даромад эмас. Бунинг усти-га ишчиларга галла, бошқа дала маҳсулотлари тарқатилди. Ба-лиқчиликдан, чорвачиликдан

Давлатимиз фермерчиликни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилишга ҳақиқат катта эътибор қаратиб, бунинг ҳуқуқий асослари ҳам яратиб қўйилган. Мустақиллик берган имкониятдан ғайрат-шижоат билан фойдала-наётган фермерларимиз юрт равнақи, эл фаровон-лиги йўлида ҳормай-толмай халол меҳнат қилмоқда-лар. Улар сафида тажрибали фермер Савриддин Умаров ҳам борки, қоровулбозорликлар у билан ҳақли равишда фахрланади.

яқши даромад олинди. Бу йл-ғўла мақомида барпо этилган хирмон кўтарилди. Давлатга 400 тонна дон сотилиб, шарт-нома режаси ошиғи билан ба-жарилди. Шунча миқдордаги дон хўжалик иштиёрида қолди. Бу шунчаки оддий рақамлар эмас, балки миллион-миллион сўм даромад деганидир.

Фермер яна фойдали тармоқ — асарчиликни йўлга қўйиш ниятида. Яхши ният эса доимо қалба ҳам, белга қув-ват бағишлайди. Савриддин Умаров айна пайтда халқ де-путатлари туман Кенгаши де-путати сифатида ҳудуднинг иж-тимоий — иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Жар-қоқ қишлоғини ободлашти-риш, кўкalamзорлаштириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақ-лаш муассасаларига ҳамда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш масалалари-да ҳам ўз ёрдамини аямаяпти.

Баҳром СОЛИЕВ,  
“Қоровулбозор тонги” газетаси муҳаррири

## ▶ ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ

Юртимизнинг энг чекка ғўшаларидан бири бўлган Галабутта маҳалласи Сариосиё туманининг қўшни юрт билан ёндош бўлган чегара зонасида жойлашган. Ҳар гал Сурхон воҳасига йўлим тушганда, ана шу азиз тупроқда яшаётган кўнгли осмон одамларнинг ҳолидан хабар олишни қанда қилмайман. Негаки, у қишлоқнинг дашту далаларида менинг жўшқин дамларим кечган.

## Галабутталликлар қувончи

**Х**ўжаликда бош ҳосилот бўлиб юрган кезларим. Дала деҳқончилик ишларига ҳеч бир қишлоқ ақли галабутта-ликлар каби садоқат билан ёндашмасди. Хўжалик раи-си Туйғун Қурбоновдан деҳқончилик қилиш учун ер сўраб келган деҳқонларнинг кети узишмасди. Ҳосил-дорликни энг юқори кўтариб юрадиган Абдукарим бобо Нурбобоевнинг чайласида ўтириб, қовунхўрлик қилганимизни эслайман. Бир пайтлар қулоқларимни остида, Жума булбул дея ном олган оддий чўпон Жумабой Қосимовнинг тилидан минг бора тингланганим “Фигонким, гардиши даврон айирди шоҳсуво-римдан” деб бошланадиган қўшиқ янграйди. Кўнглим сел бўлиб оқди. Хотиралар оғушига гарқ бўлмаган. Бугун мен ёдга олган у одамларнинг кўнчилиги йўқ. Мана бугун яна Галабутта маҳалла-сида кезиб юртиман. Истиқлол кўеши маҳалла аҳолиси қалбини қувончларга тўлдирганига гувоҳ бўлдим.

— Бир пайтлар майда ташвишларга кўмилиб юрган эканмиз, — дейди хўжаликнинг собиқ бош мироби Саиджало Болтаев. — Қаранг, бугун қандай бир ажиб, гуллаб-яшнаётган дориле-мон замонларда яшаймиз. Биров мушугини пишт демайди. Ишнинг кўзини билган талбиркорларимиз маҳалламизда янги уйлар қуриб, ҳаммаёқни обод қилишди.

Ҳа, Саиджало бобо ҳақ сўзни айтди. Бугунги Галабутта ўттиз йил олдинги Галабуттадан ер билан осмонча фарқ қилади. 3612 нафар аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла раиси Абдулла Ава-зов унинг котиби Алижон Самадов, маҳалла посбони Сирожид-дин Сафаров ҳамда хотин-қизлар билан доимий иш олиб бора-ётган Муҳаббат Қараевалар ўз ишларидан мамнун. Улар чегара зонада яшаётган ҳамқишлоқларини доимий оғоҳликка даъват этиб келишмоқда. Маҳалла ёшлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Яқинда маҳаллада Мустақилликнинг 25 йиллик тўйига бағишлаб “Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” широри остида кўрик-тан-лов ўтказилди. Танловда Дийдор, Турмушбод, Нурбулоқ ма-ҳаллаларидан вакиллар иштирок этишди. Бир сўз билан айтган-да, Истиқлол эпкинлари юртимизнинг барча ғўшаларида бир-дек эсиб борапти, кўриб турганимиздек, галабутталликларнинг ҳам қувончи ичига сиғмайди.

АХТАМКУЛИ

## ▶ 2016 ЙИЛ — СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ

Ўсиб келаётган ёш авлодга алоҳида ғамхўрлик қўрсатиш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражада камол топишини таъминлаш давлатимиз ва жамиятимизнинг асосий мақсадларидан биридир. Наманган вилояти Мингбулоқ туманида фаолият олиб бораётган ўттиздан зиёд мактабгача таълим муассасалари жамоалари ишлари билан танишсангиз, уларнинг мана шу эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётганини кўрасиз.

## Жажжилар масканида

Хусусан, туман марказидаги 4-ихтисослаштирилган болалар тарбия масканида 6 та гуруҳда 140 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланмоқда. Болажонларни кўп йиллик иш тажрибасига эга 15 нафар педагог ҳолим ва ҳамшира ўзидаги билим ва кўникмаларни ишга солган ҳолда тарбиялаб, уларга меҳр улашиб келмоқда.

Тарбия масканига қалам кўяр экансиз, ўзингизни худди эр-таклар оламида ҳис этасиз. Богча йўлаклари ва чор-атроф бола-ларнинг сеvimли эртак ва мулътфильм қаҳрамонларининг алоҳи-да истеъод ва дид билан ишланган расм ва макетлари билан безатилган. Муассаса ҳолисида турли хил мевали ва манзарали дарахтлар теvarак-атрофнинг кўркамлигини таъминлаб қолмас-дан, уни сўлим ва салқин қилиб турибди.

— Жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом она ва бола” йили деб номлангани бизни янада руҳлантириб юборди, — дейди таълим муассасаси раҳбари Матлуба Отақузи-ева. — Шу билан бирга бу бизнинг зиммавазифа юксак масъулият-ни ҳам юклайди. Ҳаётимизнинг маъносиз бўлган жондан азиз фарзандларимиз учун дунёдаги ҳамма яхши нарсаларни берсак ҳам кам. Уларнинг эртанги кунини учун янада кўпроқ ишлашимиз, тинимсиз изланишимиз зарур. Жорий йилда муассасамизда ўз кучимиз ҳамда ҳомийлар мадади билан тарбияланувчилар учун ёзги айов барпо этилди. Айвонни эртак қаҳрамонларининг расм-лари билан бойитганимиз унга янада кўркамлик ва чирой бахш этди. Янги айвончада ўғил-қизларимиз билан биргаликда турли кўнгличар машғулотлар ўтказятимиз.

Таъкидлаш зарурики, муассасада ёзги соғломлаштиришга алоҳи-да эътибор қаратилган. Жумладан, болалар учун махсус қурилган бассейнда чўмилиш уларнинг энг сеvimли машғулотига айланган. Жисмоний тарбия йўриқчиси етакчилигида муассасада спорт му-собақалари ўтказилиб туриш ҳам одат тусига кирган. Яқинда бўлиб ўтган “Менинг соғлим — юртим бойлиги” деб номланган эста-фета барчага манзур бўлди. Бунда тарбияланувчилар гуруҳларга “Ким эпчилу, ким чаққон?” мусобақасида ўз куч ва имкониятла-рини синаб кўрдилар. Кейин эса тарбиячи-педагоглар ҳам арқон тортиш бўйича маҳоратларини намойиш этишди.

Соғломлаштириш ойлгида табиат қўйнида мунтазам ўткази-лаётган сайр, чўмилиш тадбирлари болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда.

Шоҳсанам КОМИЛОВА,  
“Hurriyat” муҳбири

Одилжон ЭРГАШЕВ

# КОСОННИНГ «ФАСОН» МАНЗИЛЛАРИ

## ▶ ИФТИХОР

Мени улғайтирган кўчалар, мурғак қалбимда ҳаётга, илм-фанга муҳаббат уйғотган мактабимни ҳар сафар кўрганимда юрагимнинг туб-тубида ажиб туйғулар жўш уради. Бугун ҳам шундай ҳис-туйғулар оғушидаман. Истиқлол шарофати билан юртимизнинг ҳар ғўшаси обод, нурафшон. Биз ёшлар давлатимизнинг, Юртбошимизнинг меҳрини, ғамхўрлигини ҳис этиб яшаймиз, олға интилаяпмиз.

**А**на шу йиллар оғуши-да болалигим ўтган Косон туманида ке-зиб юртиман. Қаш-қадарёнинг гуллаб-яшнаётгани, Қарши шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан кўнгли қўшим шодон парвоз қилмоқда. Мен таълим олган мактаб энди-ликда бутунлай бошқача кўри-нишда чирой очган. Таълим олиш учун барча шароитлар етар-ли. Туманимизда 99 та мактаб, 38 та мактабгача таълим муассасаси, “Баркамол авлод” бола-лар маркази, болалар ва ўсмир-лар спорт мактаби, музика ва санъат мактаби сингари илм дар-гоҳлари ўқувчи-ёшлар ихтиёри-да. Таълим муассасаларида 42977 нафар ўқувчи таҳсил олади. Уларга 3600 нафар ўқитувчи таъ-лим-тарбия бериб келмоқда.

Айрим мамлакатлар бор эъти-борини қурол-яроқни кўпайти-риш, ёшларни жангарилликка тайёрлашга қаратаётган бир пайтда, юртимизда таълим-тар-бияни янада яхшилаш, соф маъ-навий муҳит яратиш, ўғил-қиз-лар қалбига мафкуравий имму-нитетни шакллантиришга давлат миқёсида аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2016 йил Инвестиция дастурига асосан тумандаги 27-ва 40-мактабларни капитал ре-конструкция қилиш, 15-ва 62-мактабларни капитал таъмирлаш ҳамда “Болалар спортини ривож-лантириш” жамғармаси мабла-лари ҳисобидан 22-, 39-, 43-мак-табларда 12х24 метр ўлчамдаги спорт залларини барпо этиш иш-лари олиб борилмоқда. Бу, ал-

батта, янги ўқув йилида таълим самарадорлигининг янада оши-шини таъминлайди.

Бугунги ёшлар анча илгор фикрлайди. Ўзим шу авлод ва-кили бўлсам ҳам баъзан тенг-дошларимнинг ақл-заковатини кўриб ҳайратга тушаман. Бундай авлодга нимандир ўргатиш, қизиқтира олишнинг ўзи катта маҳорат. Бунинг учун ўқитувчи замонавий технологияларни, компьютерни, глобал тармоқдан фойдаланишни билиши, ёшлар-дан бир қалам олдида юриши лозим. Шунинг ҳисобига олган ҳолда “Дарс — муқаддас”, “Урган — ўрган” тавсиялари асо-сида дарсларда ахборот комму-никация технологияларидан, мулътимедиа воситаларидан фой-даланиш каби мавзуларда туман миқёсида намунали, ноъанана-вий дарслар ташкил этилиб, амал-ий услубий семинарлар, турли хил тадбирлар бўлиб ўтаётгани туман ўқитувчиларининг ила-нишда эканини аналтади.

— Туманимиз ўқувчи-ёшлари ҳар йили умумтаълим фанлари бўйича 9-синф ўқувчилари ўрта-сида ташкил қилинадиган олим-пиадада фаол иштирок этади, — дейди ўқувчилари касбга йўнал-тириш ва давлат таълим стан-дартлари мониторинг гуруҳи раҳ-бари Баҳодир Мўминов. — 2016 йил 3-4 январь кунлари ўтказил-ган фан олимпиадаси туман бо-сқичида ғолиб бўлган 47 нафар ўқувчимиз виллоят бо-сқичида иш-тирок этди. Ҳуқуқшунослик фа-нидан 74-мактаб ўқувчиси Дил-бар Солиқова 2-уринни, геогра-фия фани бўйича 83-мактаб



ўқувчиси Санобар Собирова 4-уринни, иқтисодий билим асо-слари фанидан 44-мактаб ўқув-чиси Бунёд Саидов 4-уринни, математика фанидан 32-мактаб ўқувчиси Ҳошим Ҳўжамназаров 5-уринни эгаллаб, таълимий рес-публикамиздаги академик лице-й ва касб-хунар коллежларида им-тиёзли давом эттириш учун сер-тификатларни кўлга киритдилар.

Спорт инсонни ҳам жисмо-нан, ҳам маънан тарбиялайди. Бу ердаги таълим муассасаларида 18 та спорт тури бўйича 542 та тўта-ракда 17925 нафар (шундан 7817 нафари қиз болалар) ўқувчи-лар спорт билан шуғулланиб келмо-қда. Ютуқлар ҳам талайгина.

Тил билган эл билади, дейди доно халқимиз. Бугун чет тили-ни ўрганиш, айниқса, инглиз тили-ни мукаммал билиш замон та-лабига айланди. Шу сабабли ҳатто мактабгача таълим муассас-аларида ҳам инглиз тилини ўргатиш тизими йўлга қўйилган. Ўқувчи-ёшларни, болаларни тил ўрганишга жалб қилиш, интер-нетдан оқилона фойдаланишга ўргатиш ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Ту-манда 206 нафар чет тили ўқитувчиси фаолият юртайди. Уларнинг ҳизматлари туйфайли жорий йил 28 апрель кунини ўтқа-зилган “Инглиз тили билимдо-лари” кўрик-танловининг вилло-

ят бо-сқичида туманининг билим-до ёшларидан иборат терма жа-моаси биринчи ўринни эгаллаб, республика бо-сқичида қатнашиш имконини кўлга киритгани қув-нонарли ҳол.

Ёшларни ватанпарварлик ру-ҳида тарбиялаш, эзгу мақсад — юрт келажиги учун қизмат қилиш йўлида бирлаштиришда “Камолот” ЕИҲнинг ўрни бе-қийёс. Бу ташкилотнинг “Ёшлар дастури” доирасида амалга оши-раётган ишлари ҳар бир тенгдо-шимизнинг қалбидан жой олган бўлса ажабмас. Хусусан, Ҳаракатнинг Косон тумани ке-наши ташаббуси билан ёшлар-нинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқа-ролик жамиятини шаклланти-риш жараёнида фаол иштиро-кини таъминлаш соҳасида таш-кил қилинган “Депутат ва ёшлар”, “Ёшлар ва қонун”, “Ҳоким ва ёшлар” лойиҳалари, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат та-раққиёти ва жамият фаровон-лигининг ҳуқуқий қафолати” тарғибот ойлги доирасида амалга оширилган тадбирлар ёш-авлоднинг конституциями-зининг, қабул қилинган қонунлар-нинг асл моҳиятини тушуниб, ватан тарққиёти йўлида бел бо-лашга ундаган бўлса ажаб эмас.

— “Нуронийлар эъзозимизда”, “Фарзандлик бурчим”, “Қадри-ятларни қадрайимиз” лойиҳала-ри ёшларга ҳақиқий ўзбек фар-занди қандай бўлиши керакли-гини ўргатишда, лесак муболага бўлмайди, — дейди Ҳаракатнинг туман кенгаши ташкилий, кадр-лар ва ахборот таҳлил ҳамда бош-ланғич ташкилотлар билан иш-лаш бўйича етакчи мутахассиси Лазица Алларова. — Ҳаракат до-ирасида ёшларнинг қамрови йилдан-йилга кенгаймоқда. Ху-сусан, “Менинг бизнес гоём”, “Камалак билимдонлари”, “Қув-ноқлар ва зукколар”, “Юрт ке-лажаги”, “Йил сардори” кўрик-танловлари, “Камолот кубоги” учун спортнинг футбол мусоба-қаларида иштирокчилар сонини ортти бораётгани бизни қувон-тиради. Укаларимиз-сингиллари-мизнинг шижоатини, интилув-чанлигини кўриб янаям яхши-роқ лойиҳалар қилишга, улар би-лан фаолроқ ишлашга ҳаракат қиламиз.

Мустақиллигимиз шарофати билан нафақат биз сўз юритган маскан, балки юртимизнинг ҳар бир ғўшасида шундай маънавий муҳит яратилган. Бу келажак ав-лоднинг қонини бўлиб вояга етишида муҳим омилдир.

# ИСТИҚЛОЛ МАДҲИ — ИЖОД ВА ГОЛИБЛИК НАШИДАСИ

«Бонданиши 1-бегла»

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлининг залворли ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг моҳиятини оддий, ҳаётий мисолларда очиб бериш, фаол ижодкорларни рағбатлантиришга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу йилги танловга тақдим этилган ишларда «Гўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя ўз аксини топган.

19 август куни Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган мазкур танловнинг жорий йилги голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндлари, маънавий тарбияotchилари, журналистлар иштирок этди.

Тантананда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, иқтидорини тўла намоён этиши, одамлар қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини бойитувчи юксак бадиий асарлар яратиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидлади.

Оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ташкилий чора-тадбирлар, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари журналистларнинг эркин фаолият юритиши, ахборот олиши, матбуотимизнинг мустақил бўлишини таъминламоқда.

Миллий адабиёт, маданият ва санъатимизни рағбатлантириш, унинг ўзига хос мактаб ва анъаналарини ривожлантириш йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, истиқлол йилларида маънавий-маърифий жаҳдларда эришган ютуқларимизни жаҳонга намоён



этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мус-

қа вилоятлар қатори Хоразмда ҳам бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари давом этмоқда. Қайси гўшага қараманг, мамлакатимизнинг 25 йиллик тўйига тайёргарлик авжида. Одамларнинг кайфиятида кўтаринкилик, ишонч туйғулари яққол намоён бўлаётир. Юртимизда ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик тўлиб-тошиб ижод қилиш учун бир имконият, деб ўйлай-

графия, дизайн, кино йўналишлари бўйича 390 га яқин ижодкордан тўрт минг иш қабул қилинган. Тақдим этилган асарларни баҳолаш жараёнида мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очган Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик айёми шуқуҳи, ўтган давр мобайнида шаҳар ва қишлоқларимиз кифофаси тобора ўзгариб, гўзал бўлиб бораётгани, шу заминда яшаётган инсонларнинг кайфияти, эртанги кунга ишончини, барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини халқимиз, айниқса, ёш авлодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айнаи дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёнаси арафасида мана шундай муқофотга сазовор бўлиш, албатта, ҳар қандай инсонга фахр бағишлайди. Истиқлол йилларида қўлга кири-

йўлга қўйилгани, уларнинг моддий-техник базаси замонавий тарзда таъминланаётгани соҳа ходимларини илҳомлантиради, кейинги фаолиятларида ҳам ўзига хос ўрин тутди.

Танловнинг турли йўналишларида иштирок этган голибларнинг ҳар бири ОАВ ходимларининг саволларига жавоб бераркан, ўз миннатдорлигини, мамнуллигини ихдор этди:

— Фото ва дизайн асарлари йўналиши бўйича биринчи ўринни қўлга киритдим. Камтарона меҳнатим юксак тақдирланганидан хурсандман, — дейди Навоий вилояти «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси дизайнери Рашид Аҳмедов. — Иш фаолиятимни 2010 йилда бошлаганман. Республикада қурилатган иншоотлар, бунёдкорлик ишлари, турли тантаналар муносабати билан ташқи дизайн кўрғазмаларини яратишда иштирок этиб келмоқдаман. Танловга 80 га яқин асарларимни тақдим этдим. Уларда жан-



тақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган «Энг улуг, энг азиз» кўрик-танловига тақдим этилган ижодий ишларда юқоридagi фикрлар яққол ифодасини топган.

— Жаннатмонанд юртининг қаламқоши бўлишининг ўзи бир бахт, — дейди танлов голиблардан бири, «Урганч ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Сотимбой Аевзов. — Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, матонати туфайли қўлга киритилаётган, бутун дунёда эътироф этилаётган улкан ютуқлардан ҳар биримиз фараҳланиб, бошимизни баян қўтариб яшашга ҳаққимиз. Бош-

ман. Бундай шарт-шароит ва бугунги танлов зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, янги илҳом беради. Ҳар бир қаламқош ўзи меҳнат қилаётган ҳудуд билан чекланиб қолмай, бутун мамлакат миқёсидаги ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида сўз айтмоғи керак. «Толенинг қулган даври», «Бир умрлик қувонч», «Туллаб-яшнаётган шаҳар», «Шовотнинг чинакам файли даври», «Сарбаланд боғлар» сингари таҳлилий мақолаларим республика нашрларида чоп этилди. Ушбу ижодий ишларим танлов ҳайъатининг эътирофига сазовор бўлганидан мамнунман.

Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фото-

тилан ютуқлар, ватанимиз тараққиёти, жамиятимиз ҳаёти, шу билан биргаллик, юртдошларимизнинг тақдирини ўз аксини топмоқда, — дейди Ўзбекистон телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар» муҳарририяти бош муҳаррири, телевидение ва радио йўналиши бўйича голиб Шухрат Ҳайитов. — Шу ҳақда ёзиш, кўрсатувлар, эшиттиришлар тайёрлаш журналистлар алоҳида масъулият талаб қилади. Бугун ижод аҳлига эътибор юксак, эркин ва самарали ижод қилиш учун шароит етарли. Буни биргина тележурналистика соҳасида амалга оширишда ислохотлар мисолида ҳам айтишимиз мумкин. Кейинги йилларда янги телерадиоканаллар фаолиятининг

натмонанд юртимизнинг гўзаллиги, Истиқлолимизнинг 25 йиллик тантанаси олдида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, халқимизнинг мамнун чеҳраси, кўтаринки кайфияти ўз аксини топган. Менга билдирилган бу ишонччи янада сермахсул ижод орқали оқлашга ҳаракат қиламан...

Тадбирда голиб ва совриндорларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз олдида ижод аҳлига бир олам қувонч ҳада этган ушбу тантана Ватанимизнинг катта шодиёнасига уланиб, барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

**Холида ФАЙЗИЕВА, Шоҳсанам КОМИЛОВА, «Hurriyat» мухбирлари**

## Худудий нашрлар фаолияти

Ҳар бир оммавий ахборот воситасининг жамиятда ўз ўрни бор. Матбуот инсонларга пухта, таҳлилларга бой, фактлар билан тўйинган материалларни тақдим қилса, телевидение кўпроқ тасвир кучидан, радио овоз сеҳридан фойдаланиб аудиториянинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиради. Матбуот журналистининг қалами ҳар кун жумла устида жанг қилади. Журналистика бу машаққат, тинимсиз меҳнатдир.

Юртбошимиз томонидан биз журналистларга катта имкониятлар яратилган. Тўрттинчи ҳоқимият атамаси пайдо бўлгани ҳам бежиз эмас. Бу ишонччи оқлаш учун узоқ тер тўкишимиз керак, назаримизда.

# Мантиқий уйғунлик — Комилликка етаклайди

Сирдарё вилоятининг «Nurli istiqbol», «Оқолтин овози», «Гулистон янгиликлари», «Mirzaobod», «Xovos ovozi» каби туман нашрларининг айрим сонлари билан танишдик.

Умуман олганда, бу газеталар ўзлари фаолият юритаётган ҳудудда бўлаётган воқеалик акс эттиришда жадал ишламоқда. Туманда бўлиб ўтаётган тадбирлар, ҳоқимнинг қарорлари, ҳисоботлар, ёш қаламкашларнинг шеърлари, жойлардан кичик-кичик хабарлар тақдим этилгани яхши, албатта. Аммо, афсуски, ушбу нашрларда одам савдоси, терроризм, ақидাপарастлик, экология каби долзарб мавзулар деярли қаламга олинмаган. Шукрки, юртимиз тинч. Истиқлолни асраш эса ҳар биримизнинг бурчимиз. Мафкура майдонларида кураш кетаётган бутунгилек қалтис вазиятда ёш авлодда маънавий иммунитетни ҳосил қилиш учун юқоридagi иллатлар ва уларнинг оқибатлари ҳақида керак бўлса ҳар кун гапиришимиз лозим эмасми?!

Мутахассисларнинг фикрича, инсон етмиш фоиз ахборотни кўриш орқали қабул қилар экан. Бу тасвирнинг онгимизда бирламчи эканини англалади. Биргина суратнинг ўзи соатлаб ёзган мақоланингизга маънони бера олиши мумкин. Таассуфки, биз вақрақлаб чиққан нашрлардаги суратлар хира, сифатсиз. Бундай тасвир нигоҳларни ўздан қочириши табиий ҳол. Бу газеталарга малакали сураткаш, тажрибали дизайнернинг кўмағи ҳам кераклигини англади.

«Nurli istiqbol» газетаси тўрт саҳифадан иборат. Газетани кузатсангиз, бир дона ҳам ҳаётий сурат кўрмайсиз. (Масалан, 2016 йил 16 март сониди). Бунинг устига мақолаларни жойлаштиришда турли шрифтлардан фойдаланилган. Қўзни чарчатадиган бундай ёзувни ўз соғлигини ўйлаган киши ўқимаслиги аниқ. Газета аудиториянинг ахборотга эҳтиёжини қондириш учун чоп этилса, муштарий уни ўқий олмас, қулгили эмасми?!

Газетага мақолалар шундай жойлаштирилиши керакки, улар бир-бирини тўлдирсин. Муштарийни мантиқий уйғунликда маънавий озуқа олишини таъминлаб берсин. Бу аудиторияга таъсир ўтказишининг муҳим омилларидан бири бўлса-да, айрим нашрлар саҳифасида мақолаларнинг тартибсиз жойлаштирилгани кишида эътироз уйғотди. Масалан, 2016 йил 10 март куни чоп этилган «Nurli istiqbol» газетаси учинчи саҳифасининг тепа қисмида бош ҳарфлар билан «ФИТНА ҚОТИЛЛИКДАН ҲАМ ОФИР ГУНОҲДИР» деб ёзилган ва унинг пастида Президентимизнинг «Мафкура полигонлари ядро полигонларидан қурилоқдир» деган гаплари сарлавҳа ўрнида жойлаштирилиб, унинг пастига мавзу юзасидан Юртбошимизнинг фикрлари келтирилган. Сўнг саҳифа иккинчи ажратилиб, бир томонга «Интернетга «ин» қурганлар» сарлавҳали мақола, унинг пастига иккинчи бетдаги «Хизмат турлари такомиллаштириш» номи мақоланинг қолган озгина қисми жойлаштирилган. Иккинчи томонидан «Ижтимоий тармоқ «маҳсули» номи мақола ўрин олган. Ҳақиқат эса интернетдан қуририлган биргина сурат бор. Балки бу ҳам бир услубдир. Аммо ҳар нарсани ўзига хосликка йўлверсак, матбуот тартибсиз бозорга айланиб қолмасмикин?! Шундай ҳолат «Mirzaobod» газетасида ҳам учрайди. Ушбу нашрнинг 2016 йил 2 март сони тўртинчи саҳифадаги рухн ўрнида берилган «Газета — газетхон — газета» сўзларига ва унинг пастида жойлаштирилган мақолаларга қандай изоҳ беришни билмайсан киши. Бу рухн нимани англади ўзи? Агар тўғри тушулган бўлса, газета жамоаси газета ва газетхоннинг ўзаро алоқаси ҳақидаги саҳифа, демокчи. Шундай ҳам дейлик, аммо саҳифадаги «Аёл ибодис билан гўзан» «Иқтидорли ёшлар фаҳримиз», «Устозларга эҳтиром» сарлавҳали мақолалар ҳамда «Тендер танловда қатнашнинг» номи эълон буни инкор қилмапти.

Куча-қўйда кўзга ташланб турадиган имловий-услубий хатолар, ижтимоий тармоқлардаги саводсизлик



ҳақида ОАВда кўп гапирди, танқид қилинди. Ахир, ОАВ — тарбиячи, аҳолини тўғри йўлга бошлаб турувчи маёқ. Шундай бўлса-да, биз сўз юритаётган нашрларда кўзга ташланадиган имловий-услубий хатолар юқоридagi фикрни, афсуски, қоралаб қўйди. Масалан, «Nurli istiqbol» газетасининг жорий йил 30 март сониди эълон қилинган «Кексаларни ёзозлаган олқиш олар» номи мақолада: «Ушбу кўз илғамас кичик ҳурматлар кундалик ҳаётимизни бежайди, жамиятнинг мустақкам ва кучли бўлиши таъминлайди», деган жумла бор. Бу гапдаги «ҳурматлар» сўзига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Шу ўринда савол туғилади: ҳурматнинг ўзи мавқум тушунча бўлса, унинг ҳам қўлгили бўларкан-да? Яна бир гап: жумлада «кўз илғамас» ва «кичик» сўзлари ишлатилган. Кўз илғамас — билинар-билимас деган маънони беради. Кичик сўзи эса ундан каттароқ, яъни катта, кичик, кўз илғамас деб даражага бўлса, ўртада турган сифат. Бу иккала сўзга кетма-кет ишлатиш мантиқсизлигининг ўзи-ку.

Гапда эга ва кесимнинг мослашуви унинг мантиқий тўғри тузилганини кўрсатувчи асосий омилдир. «Mirzaobod» газетасининг жорий йил 16 март сони биринчи саҳифасида чоп этилган «Долзарб вазифалар» сарлавҳали мақолада шундай жумла бор: «Охунбобоев, Ф.Юнусов, Хужабод, Янгибод, «Тошкент», Беруний СИУ худудларидаги фермер хўжаликлари қўламли дала ишларида қолоқликка йўл қўйилмоқда». Ўзбек тили грамматикаси бўйича -ил қўшимчаси мажмул нисбатни, эгасиз гапларни ифодалашда ишлатилади. Ушбу гап мажмул нисбатда эмас, эгаси ҳам бор. Шундай экан, кесимга бу қўшимчани қўйиш ноўрин.

ОАВда расмий ҳужжатлар, Бош қомусимизнинг бандлари, моддаларини хато ёзиш мумкин эмас. Шу сабабли нашрлар бу масалага алоҳида эътибор қаратади. Аммо «Mirzaobod» газетасининг шу сонидан жой олган «Вояга етмаганлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида» мақоласида: «Бош қомусимизнинг 45-моддасида «Вояга етмаганлар меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидир» дея қайд этилган», деган жумла бор. Аслида эса 45-моддада «Вояга етмаганлар, меҳнатта лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидир» дея таъкидлаб қўйилган. Еки шунга ўхшаш яна бир мисол «Гулистон янгиликлари» газетасининг жорий йил 10 март сониди «Ҳоқим маҳалла аҳлига ҳисобот берди» сарлавҳали мақолада «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб ёзилган. Концепция сўзи нега чизикча билан ажратиб ёзилганига тушунмадик. Расмий ҳужжатларга бундай ўзгаришни киритиб ёзиш нотўғрилигини наҳотки газета жамоаси билмасми?!

Ўзбекистон журналистикасини ривожлантириш учун ишни куйидан бошлашимиз, туман нашрларига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Чунки халқимиз журналистика ҳақидаги илк тасавури улардан олади. Юқоридagi келтириб ўтилган камчиликлар фақат биз тилга олган нашрларда эмас, балки яна қўлаб газеталарда ҳам кузатиламоқда. Уларнинг олдини олиш учун бир ёқдан бош чиқариб, танқидчи ҳам, тақлифчи ҳам тўғри тушуниш ҳаракат қилишимиз керак. Муҳими, биз йўлдамиз ва мақсадимиз — олий.

**Шоҳсанам КОМИЛОВА, «Hurriyat» мухбири**

## Машҳур журналистлар ҳаётидан

### Улар ҳақида биласизми?

**Георгий Анатольевич ЗЕЛЬМА** — фотомухбир. 1906 йилда Тошкентда туғилган. 15 ёшга тўлганида оиласи Москвага кўчиб кетган. Бу пайтда у ўзбек тилида, худди она тилидек, бемалол сўзлаша оларди. Икки тилни яхши ўзлаштирган ўсмир учун касб танлаш ва уни пухта эгаллаш қийин бўлмади. У Александр Родченко олган суратларга ҳавас қиларди.

Сураткашликда уквуи борлигини кўриб, «Пролеткино» студиясида унга имкон беришди ва у шу ерда тажриба оширди. Сўнг «Театр» журнали учун суратлар ола бошлади. «Руссфото» агентлигида ишлади. Г. Зельма агентликнинг фотомухбири сифатида уч йил мобайнида турли ўлкаларда бўлди. Жумладан, туғилиб ўсган юрти Ўзбекистон, сўнг Афғонистон, Эрон ва Марказий Осиёни айланиб чиқди. Унинг суратлари республикамиздаги нуфузли нашрлардан бири «Правда Востока»да ҳам берилган.

Зельма Урта Осиё республикалари бўйича фоторепортажлар ярата бошлади. Шу йўналишдаги илк ишларидан бири Жанубий Қирғизистонда ўтказилаётган ер-сув ислохотлари жараёнини суратга олиш бўлди. «У ўша пайтларни ўзгача хурсандчилик билан эсларди, — дейди россиялик журналист Юрий Кривоносов. — Чунки эски услубдаги суратга олиш воситаси, яъни кассетани қўйиб ёпиқчиқни ёпаман дегунча, керакли кадрларни ололмай қолган вақтлари унга завқли, қулгили туюларди. Бир неча йил ўтган, шу жойга қайта келиб қолганда, маҳаллий аҳоли уни эски қадрдони каби кутиб оларкан. У киришимли эди. Унинг ишларида беғуборлик ва ҳуш кайфият кўпроқ намоён эди. Мисол учун, кекса чолнинг қулоқчинларни тақиб радио эшитиб туриши акс этган суратга



қараб, беихтиёр қаҳ-қаҳ отиб қулгингиз келади». Зельманинг маҳорати йилдан-йил ошиб, бир неча йил ичида фотомухбирлар орасида энг аввал эсга олинадиган бўлди. 1928 йилга келиб, унинг суратлари нашрлар муқоваларида пайдо бўла бошладди. У Урта Осиёни яхши биладиган ягона фотомухбир эди. Зельма Ўзбекистонни жонанжон юртини севандек севарди, шунинг учун бўлса керак, ўзининг исмини Темир деб қўйган (у ҳозир кинорежиссёр).

Зельманинг 30-йилларида бир қанча шахта ва заводлардан олган суратлари қўлаб нашрлар саҳифаларини беэзан. Айниқса, Донбасс, Тула вилояти, Қора денгиз қирғоқларини акс эттирувчи суратлар моҳирона олинган.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, у биринчилардан бўлиб, тезкор фотомухбир сифатида Молдова, сўнг Украинага жўнайди. Бу пайтда у «Известия» газетаси тахририятида ишларди. Зельма у фронтдан бу фронтга қатнаб, урушнинг даҳшатларини ўз камерасига муҳради. Унинг энг машҳур фотолари эса Сталинград жанг майдонларидан олинган. «Сталинград эпосеяси» унинг ижодидоги муҳим даврлардан бири бўлди. Г. Зельма Россиядаги энг нуфузли нашрларда фаолият юритган. Унинг суратларини барча газета ва журналлар мамнуният билан қабул қиларди. Урушдан сўнг «Огонёк» журналида, 1962 йилдан эса «Новости» агентлигида фаолият олиб борди. Ҳаётининг сўнги йилларини эса ёш фотоҳаваскорлар билан ўтказди. Касбий ва ҳаётий тажрибаси билан қўлаб ёшлар тарбиясига ҳисса қўлди.

Таниқли фотомухбир 1984 йилда Москвада вафот этди.

**Х.АҲМАДЖОНОВА тайёрлади.**

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТЎВЛИК

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕЛГИСИ

### ► ШАРХ ЁРНИДА

Хар биримиз буюк тарихимиз, буюк маънавий меросимиз, айни чоғда жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган улуг мутафаккир олимларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларга муносиб бўлишни бурчимиз, деб биламиз. Табиийки, ҳар қандай дарахнинг қандай гуллаши ва қандай мева бериши унинг илдишлари туташган тупроққа боғлиқдир. Кучсиз жойда ҳеч нарса унмайди.



А.Абдуллаев (ЎЗА) ваган сурат

тилини ўрганиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканини таъкидлаб ўтдилар. Уларнинг деярли ҳар бири "Тилга эътибор — элга эътибор", деган ўзбек халқ мақолини келтириб, ўзбек тилини билиш, биз каби турли миллат вакиллари ўз бағрига олган бағрикенг ўзбек халқига, эркин, демократик, ҳуқуқий давлат қурилиши йўлидан дадил илгарилаб бораётган мустақил давлатимиз ва жонажон Ватанимизга бўлган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин ифодаси, дея барча тендошларини бу тилини севиб ўрганишга даъват этдилар.

Ёшларимиз давлат тилини билишнинг аҳамиятини чуқур англаб етган ҳолда бу нарса ўзи яшаб турган юртининг буюк тарихини, жаҳоншумул маланини ва айниқса, унинг ўзига хос қирраларини ўрганишда кенг имкониятлар эшигини очиб берувчи бебаҳо омил сифатида баҳолаётгани биз учун гоёта қувончлидир.

Хизмат бурчимиз тақозосига кўра жойлардаги миллий-маданий марказларимиз фаолияти билан яқиндан танишишга, шунингдек, турли миллатга мансуб юртдошларимизнинг юрак сўзларини тинглаб, уларнинг самимий суҳбатларини олишга ҳаракат қиламиз. Бўлиб ўтган барча учрашуларда ҳар битта талбир қатнашчисининг шукроналик тўла дил сўзлари, фақатгина эдгуликка йўғрилган улуг мақсадларидан, умумий қондонимиз — азиз Ўзбекистонимиз тинчлиги, юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган хайри ишларидан қувончларга тўлиб қайтамиз.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Шарқ халқлари ва юртимиз аҳлига мансуб шундай белги-аломатлар ҳақида гапирганда, уларнинг тарихий-ижтимоий заминига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Марказий Осиё ҳудудига аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари — дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келди. Атрофи чўл ва сархорлар билан ўралган, табиати, иқлими гоёта мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкалош бўлиб,

бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этган. Шунинг учун хурсандчилик кунларида ҳам, тўйу маъракаларида ҳам бир-бирларига ҳамқору ҳамдаст бўлиб яшаш, кўп миллатли халқимизнинг табиий равишда қўндалик турмуш тарзига айланган. Уларнинг барчаси кўни-қўнчилик, маҳалла-қўйчилик удумларига риоя қилган ҳолда бир-бирларига ўз дастурхонларидан насоба улашди-лар, бетоблар ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар оладилар, бировининг бошига иш тушса бошқалари унга ҳамдарлик билан ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга шукроналиқ туйғуларини, шу муқаддас заминга, она Ўзбекистонимизга чуқур меҳру муҳаббатларини куй-қўшиқлари билан ифода этидилар. Шундай пайтларда юртдошларимиз жаннатонанд Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, бирлик ва ҳамжиҳатлик мамлакат эканини яна бир бор намоён этидилар. Байрам кунларида шоду ҳуррамлик билан турли миллат вакиллари иштирокида ўтаётган шодназор улкамизнинг барча ҳудудларини қамраб олади. Ана шундай лаҳзаларда Ўзбекистон ҳақиқий дўстлик чаманзори сифатида ҳар қандай кузатувчининг ҳайратига юзасини келтиради. Ватанимизда жуда катта тантаналар билан умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланган Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кун, 8 март — Хотин қизлар кун, 9 май — Хотира

ва қадрлаш кун шунлар жумласидандир. Табиийки, қайси даврда бўлмасин, ҳар қандай ёвуз кучларга, босқинчиларга қарши кураш, бу наинки, бир миллат ёки дин вакиллари манфаатига, балки миллати, ирқи ва динидан қатъи назар, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилади. Бу фикр ҳозирги глобаллашув даври учун айниқса муҳимдир. Бу жиҳатдан "Хотира ва қадрлаш кун"нинг мамлакатимизда барча миллат вакиллари томонидан кенг нишонланиши ўзининг чуқур маъно ва мазмунли қилганларини хотиралари такрор-такрор ёдга олинди, уларнинг ҳақларига дуою фотиҳалар қилинади.

Ҳозир уйлариимизни фойза тўларидек, барча ишларимизга бош-қош бўлиб, қаторимизда юрган уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз эҳтирмолар кўрсатилиб, уларнинг фидоқорона меҳнатлари, қаҳрамонона ҳаётлари биз учун катта сабоқ мактаби сифатида ҳамisha юксак қадр-қимматга эга экани таъкидланади. Шунинг учун ҳам бу хотира ва қадрлаш маросимларида барча миллий-маданий марказлар фаол иштирок этиди.

Мазкур фикр-мулоҳазалар ва реал ҳаётнинг мисоллар яна бир бор шунга тасдиқлайдики республикамизнинг барча ҳудудларида турфа миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирларига фақат ва фақат яхшиликлар тилаб, эзгулик ва яратувчилик ишқи билан тинч-тоғуз ҳаёт кемираётганлари, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, мустақил давлатимизнинг бутунги кундаги эришган энг катта ютуғи, қўлга киритган энг катта бойлиғидир.

Ҳа, ҳар қандай душманни доғда қолдириб, ҳар қандай говларни бартараф этишга қодир бўлган қудратли куч ҳам айнан мана шу аҳиллик ва ҳамжиҳатликда мужассамлашгандир. Бу эса халқимизга хос бўлган юксак маънавиятнинг муҳим бир белгисидир.

**М.НУРМАТОВА,**  
Республика байналмилал маданият маркази директори ўринбосари,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

### ► БУ ТУРФА ОЛАМ

#### СЕКИН ҚАРИЁТГАН ХАЛҚЛАР

Америкалик мутахассислар бошқаларга нисбатан энг секин қариётган халқларни аниқлашди. Ушбу тадқиқот натижалари "Genome Biology" журналида чоп этилди.



Олимлар турли мамлакатларда яшовчи олти мингта яқин одамнинг ДНК таҳлилини куриб чиқди. Тадқиқот натижасида латинамерикаликлар европатликларга қараганда уч йил кўпроқ яшаб, ўртача 82 йил умр кўрса, ҳиндуларнинг ўртача ёши 84 ни ташкил қилиши маълум бўлди. Бу икки халқда сурункали хасталиклар белгилари учрамади ва улар организмда касалликка мослашувчанлик мавжудлиги аниқланди. Тиббиётчи олимлар ушбу халқлар ўлимга олиб борувчи турли факторларга 30 фойз кам учрашларини айтишмоқда. Улар секин қариётганлар сирасига Латин Америкаси халқи ва Боливия ҳудудига яшовчи ҳиндулар кирди, деган хулосага келишди.

#### ЭНГ ЙИРИК ҲАВО КЕМАСИ

Буюк Британияда дунёдаги энг йирик ҳаво кемасининг парвози амалга оширилди.



Синов парвози Лондон шимолидан 73 километр узоқликда жойлашган Кардингтон аэропортига ўтказилди. Ушбу гибридли (чатишма)нинг узунлиги 92 метр бўлиб, ҳавода икки ҳафтагача юриш имконига эга. Унинг афзаллиги шундаки, самолётга нисбатан унга ёнилги камроқ сарф бўлади. Дирижаблга нисбатан эса кўпроқ юк кўтари олади.

"Hybrid Air Vehicles" компанияси ишлаб чиқарган мазкур ҳаво кемаси 4,9 километргача юқорига кўтари олади ва 148 километр соат тезлик билан ҳаракатланади.

Авалбошида "Airlander 10" Афғонистонда разведка ишларини амалга ошириш мақсадида Америка ҳарбийлари учун ишлаб чиқарилган эди...

#### КОСМИК ЧИҚИНДИЛАРНИ ТОЗАЛАШ ТИЗИМИ

Тиниб-тинчимас японлар фазода ҳам сарийшталек-осийишталек бўлишни истайди. Чунки, япониялик мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, орбитада сунъий йўлдошлар сонининг ошиши ҳисобига яқин ўн йилда космик чиқинди ҳамжи икки барбарга кўпайиши мумкин.

Хукумат космик чиқиндиларни ҳамда Ер орбитасидаги сунъий йўлдошларни кузатувчи тизимни режалаштирмоқда.

Мазкур гоёга кўра, сунъий йўлдошларни ва юк ташувчи космик қўраларни учирши хавфсизлигини ошириш ҳамда АҚШ билан ахборот ҳамкорлигини кучайтириш назарда тутилган.

Ушбу тизимни ишлаб чиқиш учун радарлар ва оптик телескоплар тармоғи яратилади. У 2017 йилдан ишга туширилиши ва 2022 йилга қадар ишлатилиши кўтилмоқда. Тизимни лойиҳалаштиришга 200 миллион иена (1,984 миллион доллар) ажратилади.

#### НАСА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛДИ

НАСА ўзининг турли лойиҳалари билан кўпчиликни ҳайратга солиб келмоқда. Эндликда мазкур фазовий агентлик Марс сайёрасини ўзлаштиришда ёрдам берувчи роботни яратиш бўйича танлов бошланганини эълон қилди. Ундан Ердаги хавфли шаронларда ҳам фойдаланиш имкони бўлиши керак. Танловнинг мукофот жамғармаси 1 миллион долларни ташкил этади.



— Алоқа узилтишлари шароитида аниқ ишлаш оладиган ва бошқаришга қўлай робот фазовий парвоз ҳамда Марс юзасидаги миссияларда қўл келадиган, — дейди НАСА вакили Монси Роман.

— Шунга кўра, ундан фазогирларимиз учун ўта муҳим бўлган ҳар қандай хавфли ҳудудларда фойдаланиш мумкин бўлсин.

Дастурчилар мусобақаси онлайн тарзда бўлиб ўтади. Ҳар бир жамоадан "Марс кум бурони"га қарши курашиш талаб этилади: робот Ер билан алоқа ўрнатилиши, тураржойда пайло бўлган тешкини ямаши ёки қуёш батареясини тузатиши лозим.

Аниқроғи, дастурчилар робот ишлаб чиқишлари шарт эмас. НАСА уларнинг олдига қўйилган вазифани виртуал Робонавт 5 негизига бажаришни тақлиф этмоқда. Роботнинг эластиклиги унга узоқ сайёраларнинг паст ҳарорати ва габир-будур сатҳида ҳам ишлаш имконини беради.

Танловда иштирок этувчиларни рўйхатта олиш жараёни жорий йил 16 августдан бошланган. Сентябрь ойи ўртасидан ноябрь ойи ўртасигача танловнинг биринчи босқичи ўтказилади. Фолиблар декабрь ойида эълон қилинади. Танловнинг финал босқичи эса 2017 йил июнида бўлиб ўтиши назарда тутилмоқда.

Интернет материаллари асосида

Х.ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

### ► ЖУГРОФИЙ САЁХАТ

Вьетнам жануби-шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролида жойлашган. Фарба Лаос ва Камбожа, шимолда Хитой билан чегарадош. Шарқий ва жанубий чегаралари Жанубий Хитой денгизи билан туташиб кетган. Ҳудуди 331 минг 210 квадрат километрни ташкил этади.

Аҳолиси 91 миллион кишига яқин (2011). Пойтахти Ханой шаҳри. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 58 вилоят ва марказга бўйсунувчи бешта шаҳардан иборат. Аҳолисининг 80 фоизидан ошгинини вьетнамлар, танлар, кхмерлар, мяолар, ман, хмонглар ва хитойликлар тўғлар ташкил этади. Расмий тили вьетнам тили. Аҳолининг маълум қисми эса, инглиз, француз ва хитой тилларида сўзлаша олади.

Вьетнам табиати ўзига хос. Ҳудудининг асосий қисмини паст ва ўртача баландликдаги тоғлар эгаллаган. Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта ва серсув Ханга ва Меконг дарёлари шу мамлакат ҳудудидан оқиб ўтади. Вьетнам давлати субэкваториал муссонли иқлим ҳудудига жойлашган. Бироқ шимолдан жануб томон узоқлашган сари иқлим шароитлари ўзгариб боради. Қиш жанубда иссиқ кечадиган, ўртача ҳарорат 26 даража. Шимолда эса совуқроқ — 15 даража, Хитойдан совуқ ҳаво оқими кириб келган пайтда ҳарорат 1 даражага тушиб кетиши мумкин. Бир ярим минг метрдан ортиқроқ баландликдаги тоғ ҳудудларида аёз кузатилади. Ёғин-сочин ҳам, худудларга кўра ҳар хил. Қиш жанубда қуруқ, шимолда намчил, ёзда эса, муссон ёғинлари бутун мамлакат бўйлаб ёғади. Ёз охири — куз бошларида Вьетнамнинг соҳилбўйи ерларида кучли қўншамоллар, тўфонлар кузатилади. Тоғ-

ларнинг ёнбағирларига йилга 2500-3000 миллиметр ёғин тушади.

Мамлакат ҳудудининг 40 фоизи ўрмонлардан иборат.

Тоғларнинг қуйи ён бағирларидаги доимий яшил тропик ўрмонлар баландликдаги субтропик ўрмонларга уланиб кетади. Ўрмонларида гиббон, макака, айиқ, йўлбарс, катта бўғма илон, йирик эчкеларлар, оқ ва яшил тўти, саванналарда хинд фили, каркидон, жайрон, ёввойи буқа, жайра, товус, бургут, дельта ва ботқоқликларда лайлак, қарқара, қизил гоз, ёввойи гоз, дарёларида баландликда мўл.

Вьетнам далаларида асосан қишлоқ хўжалик экинлари, шולי, маккажўхори, маниок, қаҳва, каучуқли экинлар, пахта, чой, қалампир, банан етиштирилади. Чорвачилик, паррандачилик ва денгиз маҳсулотларини етиштириш яхши йўлга қўйилган.

Вьетнам саноати ривожланган аграр мамлакат ҳисобланади. Кўплаб кичик



шоли оқлаш, қанд-шакар, консерва заводлари, чой қadoқлаш фабрикалари мавжуд. Бундан ташқари, машинасозлик, транспорт витеалари ишлаб чиқариладиган, маиший техникалар, кemasозлик, ёғочsозлик корхоналари мавжуд.

Мамлакатда тиббиёт ҳам ривожланган, юртимиздаги каби бекуп тиббий хизмат жорий этилган. Бу давлатда таълим тизими бир неча босқичдан иборат. Биринчи босқич — мактабгача таълим (болалар

боғчалари), иккинчи босқич — беш йиллик, мактаб таълими бошлангич таълим олти ёшдан ўтган болалар учун мажбурий. Учинчи босқич — ҳунар таълими (ҳунар-техника билим юртлари), тўтинчи босқич — олий таълим босқичидир. Вьетнам маданияти ўзига хос. Миллий адабиёти, тасвирий санъати, мусиқаси, кўп йиллик тарихга эга. Ханойда консерватория, мусика мактаблари, опера театри, халқ чолғу асбоблари ор-

кестрлари, қўшиқ ва рақс ансамбллари мавжуд.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ТОҒЛАР МАМЛАКАТИ

# Табиатнинг жонкуяр фарзандлари

## ► БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Интерактивлик — бутун дунё журналистикасида кузатилаётган ҳодисалардан бири. Чунки бугунги газетхон, телетомошабин ёки радиотингловчин, интернет фойдаланувчиларини оддий ахборот истеъмолчиси деб бўлмайди. Улар ўзлари ўқиган (эшитган, кўрган) журналистик материалга жойида муносабат билдириш имкониятига эга. Газетамизда чоп этилаётган мақола ва лавҳалар, очерк ва информაციон материалларга юрдошларимиз билдираётган фикрларни эшитиб, мамнун бўламиз. Кейинги иш жараёнларида газетхон фикри ва тақлифларини албатта инобатга оламиз.

Кейинги пайтларда юрдошларимиз кўпроқ ҳуқуқий, адабий-бадий ва ижтимоий мавзулардаги мақолаларга гоҳ кўнгирак қилиб, гоҳ электрон почта, кам бўлса-да, мактуб орқали муносабатларини билдиришмоқда. Масалан, газетанинг 2016 йил 27 июль сонидан таниқли журналист Наргис Қосимованинг "Биоэтика тамойиллари ёхуд ёрдамга муҳтож жониворлар ноласи" ҳамда "Hurriyat" мухбири Холида Файзиеванинг газетанинг 2016 йил 10 август сонидан эълон қилинган "Алимент бола манфаатига хизмат қилаётими?" сарлавҳали мақолаларига юрдошларимиз кўпроқ фикр билдиришди.

Куйида Наргис Қосимованинг "Биоэтика тамойиллари ёхуд ёрдамга муҳтож жониворлар ноласи" мақоласига газетхонлар билдирган мулоҳазаларнинг баъзилари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

**Дилфруз АЗАМАТОВА, 41 ёш, биолог ўқитувчи:**  
— Мехр ниҳоятда улуғ тушунча. Уни фақат инсонларга муносабатларга оид деб табиатимизнинг лозими. Қалиб пок инсон табиатга ҳам мехр билан муносабатда бўлади.

Менимча, фақат оғир одамларга шифа қилиш бўлиши керак. Чунки кучли қалб соҳиби бўлган инсон ҳеч қачон ўзидан оғирларга кучини кўрсатмайди. Инсон — муқаррам зот дегани, бу бошқаларга, жумладан, ҳайвонларга ўз ҳужумини ўтказиши керак, дегани эмас. Наргис Қосимова "Биоэтика тамойиллари ёхуд ёрдамга муҳтож жониворлар ноласи" мақоласи орқали ана шундай эзгу фикрларни илгари сурган.

Биоахлоқ табиат билан боғлиқ ва унга нисбатан қаратилган хатти-ҳаракатлар мажмуи. Уй ва ёввойи ҳайвонларга нисбатан шифақатсизлик миллий қадриятларимизда ҳам, қонунчилигимизда ҳам қораланади. Бинобарин, барчамиз инсонимиз ва инсонийлигимизни зарур бўлса, қурт-қумурсқаларга нисбатан ҳам намён этишимиз зарур. Мақолада биология дари си бор, аммо биоахлоқ қоидаларини тушунириб берувчи фан йўқ. Фикримча, табиатни асраб қолишимиз учун ҳам ўқув дастурига "Биоахлоқ" фанини киритиш лозим.

**Умида ИСМОИЛОВА, 24 ёш, ЎзДЖТУ талабаси:**  
— Биоахлоқ қоидаларига барча инсонлар амал қилиши лозим, деб ўйлайман. Зеро, инсон ва табиат мутаносиблиги ҳаётнинг давомийлигидир. Инсондан анча оғир бўлган ҳайвонларга нисбатан раҳм-шафқат билан муносабатда бўлиш, уларга ёрдам бериш барчамизнинг бурчимиздир.

**Азизбек ҚУРБОНОВ, 22 ёш, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетига талабаси:**  
— Айрим кимсаларнинг тирик табиатга нисбатан шифақатсизларча муносабатини кўриб, ичим ачийди. Дарахт шохларини синдираётган, жониворларга бераҳмларча муносабатга бўлаётган тенгдошларимизга танбеҳ берганимда, "сенинг ишиг нима, нима истасан, шуни қиламан" қабилда жавоб олган эдим. Республикада Жиноий ва Маъмурий кодексларда флора ва фаунага зарар етказганлик учун жазо тайинланган. Аммо бу жазо ҳужуқбузарлик қилган шахсга нисбатан бирор фуқаро ариза билан мурожаат қилсагина қўлланилади. Аммо бундай амалиёт бизда жуда кам. "Экологик назорат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирган бўлса-да, етарли даражада ишламаяпти. Фикримча, бу йўналишда ишларнинг жонланishi, фуқароларнинг масъулиятини ҳис қилишлари учун мамлакатимизда ички ишлар тизимида "экологик жиноятлар бўйича профилактик нозир" лавозимини киритиш зарур.

**Темур ҲОШИМОВ, 19 ёш, Тошкент ахборот технологиялари коллежи ўқувчиси:**  
— Табиатга мехрли бўлиш, уни асраш керак. Кўпгина тенгқурларим қаторида катта одамлар ҳам атрофдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан шифақатсиз муносабатда бўлишгаётганини кўп марта кўрганман. Бу нимадан дарахт беради? Аввало бу уларнинг ҳайвонлар қушлар, дарахтлару гулларга мехри йўқлигини, оддий маданиятнинг еттишмаслигини кўрсатади.



**"Hurriyat" газетасининг 2016 йил 10 август 32-сонидан чоп этилган "Алимент бола манфаатига хизмат қилаётими?" мақоласини ўқиб, ўз мулоҳазаларимни баён қилишни лозим топдим.**

**Н**емис файласуфи Хегель инсон бурчларини тўрт турга бўлади: ўз олдидида, оиласи олдидида, давлат олдидида, ўза одамлар олдидида бурчи.

Ҳўш, маскур бурчлар қанчалик адо этиляпти? Муаллиф Холида Файзиева таъкидлаганидек, ҳақиқатан айрим ота-оналар ўз бурчларини унутиб, ватан каби муқаддас бўлган оилага эътиборсизлиги туфайли фарзандларни бағрибтуниқдан масуво қилишмоқда. Ота-она ўртасида қолиб, азият чекаётган бу қора кўзларда нима гуноҳ?! Уларнинг келажаги, тақдирини, наҳот, ота-онани қизиқтирмас?! Айрим оилалар бор — тирноққа зор, аммо оиласини асраб қолиш учун меҳрибонлик уйдан бола асраб олади, бегонанинг фарзандини тарбиялаб вояга етказиши. Улардан ўртак олса, арзийди. Бегуноҳ фарзандларини тирик етим қилган ота-она эса халқ душмандай гап, менимча. Чунки бизнинг, ватанимизнинг келажаги шу болалар-ку!

Яна шундай оилалар борки, ажрашмай туриб, хотин эрдан алимент олади. Бу қонуни тўғри-дир, топган пулини оиласидан қизганиб, "яллама ёрим" қилиб юрган эркекларни шундай жазолаш керакдир, балки. Аммо фарзандлари учун олаётган алиментни ўз манфаати йўлида сарф қилаётган аёллар ҳам бор. Шундай табиатли аёллар учун алимент тайёр даромад манбаига айланган. Алимент қўлига теккан, ўзининг зеб-зийнатию, дугоналар ибодатига сарфлайдиганларни кўриб,

уларнинг болаларига ачинасан киши. Бундай пайтда айрим аёлларнинг баҳонаси тайёр: "Фарзандим ҳам ўз кунига, бир кунини топиб кетар-да!". Наҳот, оила, никоҳ, фарзанд деган муқаддас тушунчаларни шу қадар жўн тушунишса?! Бундай инсонлар дунёга нега келганини ҳам билмасан керак. Ахир, инсон дунёга келаркан, мақсад ўзидан тарбияли, иймонли зуррият, эл-юрт олдидида яхши ном, эзу ишлар қолдиришдан иборат эмасми?!

Халқимиз қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтмаган. Агар эр-хотин бир-бири билан мурося қилиб, тарозининг икки налласини бир хил тутса, бундай оила мустақкам бўлади.

Аёл бор экан, оила, жамият бекаму кўст. Гузал аёл-қизларимиз ҳали табиати, зукколиги билан оила кўрғонини обод қилишлари мумкин. Жамиятимизга ана шундай қомил аёллар керак!

**Мафтуна РЎЗИЕВА**  
Кашқадар вилояти


## Масару ИБУКА

### ГҲАК НИМАЛАРГА ҚОДИР?

Катталарнинг "қийин" ва "осон" деган тушунчалари болалар учун тушунарсиз. Биз, катталар бу китоб бола учун қийин ёки гўдак классик мусиқани баҳолашга қодир эмас, деб ўйлаймиз. Аммо нимага асосланиб шундай деймиз?

Бола учун инглиз тилими, япон тилини ўрганишдаги қийинчиликми, Бах мусиқасининг ноталари ёки болаларнинг ашулаларини ёдлаши — фарқи йўқ. Ҳиссиётларга асосланиб қилинган хулоса билмларга боғлиқ эмас, балки билим ҳиссиётларга ҳалақит бериши мумкин. Одамлар бирор машҳур суратга қараб: "О, гоёт ажойиб!" дейишади. Аслида ўша асар уларни мутлақо қизиқтирмаган бўлади ва фақатгина мусаввирнинг номи ҳамда унинг нарҳига суратни гўзал ва жозибали қилиб кўрсатиши мумкин. Бола эса рост сўзлайди — оқни оқ, қорани қора дейди. Бирор нарса унга қизиқ туюлса, у тўлиқ ўша билан шуғулланади ва тезда ўзлаштиради

# Уч ёшдан сўнг кеч...



(2-мақола)

ган бўлса, жаноб Исао Ишии бизнинг Эрта ривожланиш асоциациямида хитой ёзувидан дарс беради. Ҳали уч ёшга тулган болакайлар мураккаб Хитой иероглифларини осонгина эслаб қолишади. Чунки улар образларни ёдла сақлаб қолиш қобилиятига эгадирлар.

**Болага математикадан кўра алгебрани тушуниш осон**

Математиканинг фундаменти гоиларидан бири қаторлар назариясидир. Аввал сонларини, сўнг геометрия ва алгебрани ўрганган катта ёшдаги одам уни тушунишга қийналади. Бола эса қаторлар назариясини ёки кўпайтириш назариясини осон тушунади. Математикани ўргатиш бўйича ўз усули билан машҳурликка эга бўлган Ришени Феликс хоним болани туғилганидан оқ математикага ўргатиш мумкинлигига ишонади. "Қатор" ёки "кўп сонлар" — булар умумий сифатга эга бўлган предметлар жамланмасидир. Бола улар билан кубик ўйнай бошлаганидан қанчалик танишади. Ҳар бир кубик бу "қатор"нинг бир эле-

менти бўлиб, бир уюм кубик бир қатор, учбурчлар иккинчи қатордир; предметларнинг маълум бир тавсифига кўра гуруҳларга тақсимлаш каби ушбу оддий гоё қаторлар назариясини асосини ташкил этади. Боланинг мияси кўпайтириш назариясини осон қабул қилиб, бу алгебра асосларини тушунишга туртки бўлади. Масалан, мана бу оддий математик масалани алгебра ва математика усулларидида ечиб кўрайлик.

"Ҳайвонот боғида 8 та жонзот бор: тошбақа ва турналар. Уларнинг умумий оёқлари 20 та. Ҳайвонот боғида нечта тошбақа ва турна яшайди?". Аввал масалани алгебра усули билан ечамиз. Демак, турналарни  $x$ , тошбақаларни эса —  $y$  деб белгилаб оламиз ва  $x + y = 8$ , яъни  $2x + 4y = 20$ . Ҳисоблаймиз,  $x + 2y = 10$ , яъни  $x = 8 - y = 10 - 2y$ ; демак,  $y = 2$ . Ҳайвонот боғида 2 та тошбақа ва 6 та турна яшайди.

Энди эса масалани математика йўли билан ечамиз. Агар Ҳайвонот боғидаги мавжуд жониворларнинг барчаси тошбақалар деб олсак, уларнинг умумий 32 та оёғи бор. Аммо ма-

салада 20 сони берилган, демак, 12 таси ортиқча. Тошбақаларнинг оёқлари 4 талдан, турналарники эса 2 талдан. Демак, 12 та оёқ турналарники. 12 ни 2 га бўлсак, 6 сони чиқади. Ундан жонзотларнинг умумий сони, яъни 8 ни айирсак, турналар сонига эга бўламиз. Қолгани эса тошбақаларнинг сонидир. Албатта, масалани математика усулида ечиш алгебра нисбатан анча қийин. Алгебра усулида ечиш бир қарашда қийин туюлса-да, уни тушуниш осонроқ.

**Беш ойлик бола Бахни эшитиб, баҳолай олади**

"Сони" фирмаси корхоналарининг бирида болалар боғчаси ташкил этилган эди. У ерда жужуқлар қайси мусиқани яхши кўришларини аниқлаш учун тажриба ўтказилди ва қўйилмаган натижаларга эришилди. Болакайлар учун энг ёққан мусиқа Бетховеннинг 5-симфонияси бўлди. Телевизор орқали эрталабдан кечгача берилган ашулалар 2-уринни, болалар қуйлаган ашулалар эса учинчи ўринни эгаллади!

Гўдаклар классик мусиқани энг қизиқарли деб топишди, биз катталар эса кўпгина уларни бундай мусиқадан узокроқ тутишга ҳаракат қиламиз. Нега биз фарзандларимизни мураккаб симфонияга баҳо бера олмайдим, деб ўйлаймиз?

Профессор Шиничи Сузуки беш ойлик чақалоқларга Винвалди концерти ёқшини аниқлаган. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушди. Мумтоз мусиқа илосомандлари бўлган ёш отана ўзларининг янги туғилган чақалоқларига ҳар кунни 2-3 соат Бахнинг 2-сюитасини эшиттирган. Ҳар ойдан сўнг чақалоқ мусиқага монанд ҳаракатлана бошлаган. Мусиқа ритми тезлашганда унинг ҳаракатлари ҳам тезлашган. Мусиқа тугатганда эса у ўз норозилигини билдирган. Бола йилганада онаси мусиқани кўйиши билан у тинчланган. Бир кун мумтоз мусиқа ўрнига жаз қўйилганида у бақриб йиғлай бошлаган. Чақалоқнинг мураккаб мусиқани қабул қилишининг ўзи сирли ҳодиса. Болага қанчалик кўпроқ классик мусиқа эшиттирилса, у келажакда шунчалик гўзалликка ошно, яхши инсон бўлади.

**Наргис ҚОСИМОВА**  
таржимаси

# ЭВРИЛИШ

## ► МУЛОҲАЗА

Бир инсонни фикридан қайтариш ёки ўз ҳақиқати бўлган шахснинг қарашларини ўзгартириш осон эмас. Чунки инсон ўз маслагидан воз кечиши, босиб ўтган йўлини, яшаш тарзини инкор этиши, мен адашибман, дея осонгина тан олиши ҳазилакам гап эмас. Бу қалб ва ирода билан кечадиган жараён. Ахир, умр давомида сингдирилган мафқурани янгилашнинг ўзи бўлмайди-да!

**Ў**збекистон Қахрамони, таржимон ва мунаққид Озод Шарофидиновнинг машҳур мақоласи бор. Уша мақолада бир ўқитувчи дарс ўтаётганида тасолифан чироқ ўчади. Шунда устоз «ана, свет бўлишича, ўша домла собиқ тузум даврида атеизмдан дарс берган экан. Нега бу одам «бир юмалаб» маънавиятчи бўлиб қолди, қадриятларини кўкка кўтариб мақтайпти, дейишди. Ваҳоланки, бу ҳолатни ҳам одадгадилек тушуниш мумкин эди. Кишининг хатосини англашга, дунёқарошининг ўзгаришига имкон бериш лозим. Айниқса, гап фуқаролик позицияси ҳақида кетаётганда.

Инсонни қувонтирадиган ҳолат бор. Бутун сиз ўзингиз узоқ йиллардан бўён билан танишларингиз билан сўхбатлашинг. Улар бугун бошқача фикрляпти. Уларнинг юрагидида нимадир ўзгарган. Хотиржамлик, ишонч ҳисси пайдо бўлган. Ёши етмишни қоралабдики, яшашга, меҳнат қилишга иштиёқманд, «бир пайтлар»ни унутган. Сабаби, бугун бундай одамлар насияга яшамаяпти. Фарзанди, набираси учун қуряпти, яратяпти. Одамлардан «олиб қўйса-чи», «сотиб қўйса-чи» деган кайфият кетди. Назаримда, йигирма беш йил давомида мана шу эврилишга эришилгани Мустақиллигимизнинг энг катта ютуғидир.

кил этгани аниқ. Аммо вақт ўтгани сари, мамлакатдаги улкан ислохотлар, муваффақиятларни кўрган минг-миллионлаб одамлар қарашини ўзгартирди. Энг муҳими, босимсиз, мажбурловсиз тўғри йўл кўрсатилди, хулоса, танлов эса инсоннинг ўзига қўйиб берилди.

Олий ўқув юртида бир устозимиз маънавият фанидан дарс берганида домларнинг ўтмишини сурштирган айрим тенгдошларимиз айб топишди. Маълум бўлишича, ўша домла собиқ тузум даврида атеизмдан дарс берган экан. Нега бу одам «бир юмалаб» маънавиятчи бўлиб қолди, қадриятларини кўкка кўтариб мақтайпти, дейишди. Ваҳоланки, бу ҳолатни ҳам одадгадилек тушуниш мумкин эди. Кишининг хатосини англашга, дунёқарошининг ўзгаришига имкон бериш лозим. Айниқса, гап фуқаролик позицияси ҳақида кетаётганда.

Инсонни қувонтирадиган ҳолат бор. Бутун сиз ўзингиз узоқ йиллардан бўён билан танишларингиз билан сўхбатлашинг. Улар бугун бошқача фикрляпти. Уларнинг юрагидида нимадир ўзгарган. Хотиржамлик, ишонч ҳисси пайдо бўлган. Ёши етмишни қоралабдики, яшашга, меҳнат қилишга иштиёқманд, «бир пайтлар»ни унутган. Сабаби, бугун бундай одамлар насияга яшамаяпти. Фарзанди, набираси учун қуряпти, яратяпти. Одамлардан «олиб қўйса-чи», «сотиб қўйса-чи» деган кайфият кетди. Назаримда, йигирма беш йил давомида мана шу эврилишга эришилгани Мустақиллигимизнинг энг катта ютуғидир.

## ► БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

**?** — **Тугатувчи томониди аудиторлик ташкилотини ихтиёрий тугатиш жараёнини тугатгандан сўнг, давлат реестридан чиқариш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилиши лозим?**

— **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Таъбир-корлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 34-бандига мувофиқ тугатувчи ташкилотни давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:**


- бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан ташкилотнинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълони;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- ташкилотнинг барча ҳисоб рақамлари ёпиқлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;
- ташкилотнинг муҳр ва штампларини;
- ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;
- агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар (рухсатномаларнинг асл нусхаларини);
- давлат солиқ хизмати органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги хулосасини;
- тугатилаётган ташкилот қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати суд департаменти органлари иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги суд департаменти ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби;
- ташкилот ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

**Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими Э.ХОЛМАХМАТОВ**  
**жавоб берди.**

# ДАВР ТАЛАБИГА ҲАМОҲАНГ КИТОБ

▶ КИТОБИНИГИЗНИ ҲАҚИДИМ

Халқимизда "Тўйга тўёна билан" деган ҳикмат бор. Энг улуг, энг азиз байрамимиз Мустақиллик кунининг чорак асрлик тантаналари арасида социология фанлари номзоди, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, депутати Тошпўлат Матибоевнинг йигирма бешта мақоладан иборат "Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси" китоби чоп этилди.



ИЖТИМОЙ  
ҲАМКОРЛИК –  
миллатлараро тотувлик  
ва динлараро бағрикенгликни  
таъминлаш воситаси

Публицистик чиқишларида муаллиф Ватанимиз истиқлол йилларида эришган оламшумул ютуқларидан, дунё аҳлини ҳайратга солган кенг қўламли муваффақиятларини шу юртининг фаол фуқароси ва ижодкори сифатида фахрифтхор билан қаламга олади, уларнинг

моҳиятини, илдизларини очиб беришга интилади. Т.Матибоев меҳнаткаш элимизнинг кечаги кунини бугунига қиёслаш, ибратли хулосалар чиқариш орқали ёшларимизнинг юксак маънавиятли, ватанпарвар, юртининг қадрига етадиган интеллектуал авлод бўлиб шаклланишига ўз хиссасини қўшади. Айни пайтда мақолаларда Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорликнинг муҳим восита эканлиги алоҳида эътибор қаратилган.

Куйида юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг мақур китоб ҳақидаги мулоҳазалари билан танишасиз.

Мамлакатимизда мустақил-лигимизнинг илк йилларида-ноқ Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга, нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фонллари, эркин оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилмоқда, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йилда парламентга тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" асосида кейинги йилларда "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Экологик назорат тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Парламент назорати тўғрисида" каби янги қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, 2015 йил 1 январдан "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун кучга киргани нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамия-

ятининг бошқа институтлари ривожда янги босқични бошлаб берди. Бинобарин, мақур Қонун нормалари асосида ушбу институтларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналишлари ва ажратилган маблағлар ҳажми тубдан ошди. Бу, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг ўзларига ажратилган ижтимоий буюртмалар доирасида давлат бошқаруви ва ижро органлари билан ижтимоий шерикликда жойларда амалга оширилган тизимли ишлари қўламини тубдан кенгайтирмоқда.

Айтиш жоизки, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун давлатимиз конституциявий қурилишининг "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўйбга чиқаришнинг яққол ифодаси, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда демократик янгилашда фуқаролик жамияти институтлари, ННТ ролининг муҳим омил сифатида яна бир бор амалда эътироф этилишидир. Ушбу Қонун ҳозирги кунда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларини ўртасидаги амалий мулоқотнинг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонунда белгилаб қўйилган нормаларнинг амалиётга татбиқ этилиши фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари учун бирдек фойда келтиради. Зотан, фуқаролик

жамияти институтларининг мавжуд муаммоларини ҳал қилишда давлат субсидиялари, давлат грантларидан ташқари, ижтимоий шериклик субъектларининг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларини жалб этиш, кўнгилчилар меҳнати ёрдамида турли ижтимоий лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш имкониятлари янада ортмоқда.

Буларнинг барчаси бежиз эмас. Зеро, халқимиз азиздан жамоат ишлари, кўпнинг манфаати билан боғлиқ масалаларни кенгашиб, таклиф-мулоҳазалар асосида ҳал қилиб келган. Ижтимоий шерикликнинг қонуний асослари мустаҳкамланиши асрлар давомида шаклланган ана шу эзгу қадрият замонавий меъёрлар билан янада бойиши, ривожланишига қулай шарт-шароит туғдирди.

Мамлакатимиз тараққиётида ижтимоий ҳамкорликни, яъни ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнида ҳал қилувчи омилдир. Нега деганда, ижтимоий шериклик жамиятни ичичидан чуқур ўрганишда, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган дастурлар-

ни ишлаб чиқиб, самарали амалга оширишда, бу борада жамоатчилик назорати кучайишида долзарб аҳамиятга эга.

Ушбу китобга таниқли публицист ва социолог олим Тошпўлат Матибоевнинг ана шу сингари ниҳоятда муҳим масалалар ҳар томонлама теран таҳлил этилган туркум мақолалари жамланган. Шунингдек, муаллифнинг Ватанимиз мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларга, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-марифий тараққиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган бир қатор чиқишлари ҳам тўпلامдан жой олган.

Социология фанлари номзоди Т.Матибоев "Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик тизими: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари" (Т.: "Академнашр", 2014.), "Ижтимоий ҳамкорлик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қурилишининг муҳим омилли" (Т.: "Янги аср авлоди", 2012), "Шунингдек, Р.Матибоева билан ҳаммуаллифликдаги "Жаҳолат хуружи" (Т.: "Академнашр", 2013.), А.Холбеков билан ҳаммуаллифликдаги "Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида" (Т.: "Янги аср авлоди", 2004) каби китоблар муаллифи.

Бундан ташқари, у даврий матбуотда мунтазам эълон қилинаётган "Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва дин-

лараро бағрикенгликни таъминлашда ижтимоий ҳамкорликнинг амал қилиши", "Ижтимоий ҳамкорликнинг маҳалла фаолияти ва ёшлар таълим-тарбиясини юксалтириш орқали мустаҳкамланиши", "Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг демократлашуви жараёнида ижтимоий ҳамкорлик тизimini шакллантириш омиллари" сингари долзарб публицистик мақолалари билан юртимиз илмий-марифий жамоатчилиги эътиборини қозонган.

Олимнинг янги тўпламини диққат билан ўқиб чиқдим. Мустақиллигимизнинг чорак асрлик тўйига бағишланган ушбу китобга муаллиф мақолаларни мавзуга мос равишда ва чуқур масъулият билан танлаб олгани кўриниб турибди. Муаллиф ижодига хос хусусият шуки, у ўз публицистик чиқишларига рақамларни қалаштириб ташлашдан қўра чуқур ва жиддий илмий таҳлил ва мушоадала талқинини афзал қўради. Тўпلامга киритилган мақолаларда ҳам бундай ўзига хослик яққол кўзга ташланади.


Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш қийин ва машаққатли жараён". Ўйлайманки, жамиятимизда кечаётган ана шу мураккаб ва масъулиятли жараёнларда Т.Матибоевнинг "Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси" рисоласи зарур ва фойдали манба бўлиб қолади.

Энг муҳими, бу китоб халқимиз, айниқса ёшларимиз маънавий дунёсини бойитишда, мустақил ҳаётга дадил кириб келаётган ёш авлод вакилларининг вақтида оқ-қорани таниб олиши, ватанпарвар ва халқпарвар бўлиб етишиши, фарзандларимизнинг Ватанимизга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топиши борасида муайян ижобий аҳамият касб этади, деб ишонаман.

Акмал САИДОВ,  
юридик фанлар доктори,  
профессор

Яқинда истеъдодли шоира Мунаввара Усмонованинг "Бундай элни қайдан топасан" номли шеърий тўпламини мириқиб мутолаа қилдим. Мақур китоб қалбимга бир олам ёруғ туйғулар олиб кирди.

Гўзал ва обод Ватанимизга берилган таърифлар ҳар бир ўқувчи кўнглида ватанпарварлик туйғуларини янада жўшурдиради. Шоира Ватанимиз онадай, отадай, фарзанддай севиш ва ардоқлашга ундайди: *Отамдай соғиниб, боламдай суйиб, Кунимга куйганим, мунис онамсан...*



Бундай  
ЭЛНИ ҚАЙДАН  
ТОПАСАН

## "Бундай элни қайдан топасан"

Шоира бугунги замондошларимиз ва мунис оналар номидан куйлайди. "Ватанга суйангин" шеърда онанинг эзгу қалби, теран ниҳоги, орзу-умиди яққол намоён бўлади:

*Елка тутсанг, қўламан тоғ у,  
Ниҳол эксанг, қўламан тоғ у.  
Кундир, ойдин – соғувчи ёғду,  
Сен Ватанга суйангин, ўғлим!*

Жонажон юрт, ота-она олдидаги масъулият туйғуси спортчи ҳақидаги шеърда янада кучлироқ ифодаланган. Рақибдан кучли зарба еган боксчи юрт байроғига қараб туриб қувват олади, галабага эришади:

*Бор кучини йиғди муштима ўғлон,  
Енгди рақибини бир навра тортиб.  
"Сен учун галабам, сенга, онажон!" –  
Дерди, юрт байроғини кўзига суртиб.*

Қалдирғочга бағишланган шеърда халқимизнинг меҳмондўстлиги, раҳмдўстлиги, болажонлиги, одамшинавандлиги малҳ этилса, "Дунё" шеърда шу эл ва Ватан учун яшашга масъулик ҳисси чиройли ташбеҳлар билан тасвирланади:

Ҳасосе ижодкорнинг шеърларини қайта-қайта ўқиб, меҳрининг чегараси йўқлигига яна бир бора амин бўламиз.

"Аэропорт" шеъри Муҳаммад Юсуфга атаб ёзилган. Мирзо Бобур ҳақидаги ва бошқа яна кўпلىб шеърларида она-юртининг танҳолиги, муқаддаслиги, азиз ва муқаррамлиги нозик пардаларда куйланган. Шоиранинг ҳар бир шеърда меҳрибон фарзанд, жонку-

яр опа, соғинган сингил ниҳоглари сезилиб турибди. Туртликларда ҳам сермазмон фикр ва эҳтирос уйғунлашиб кетган. Мунаввара опа райида қараб туриб сингилсини эслайди, қоятшо алп келбатли ука сиймосида гавдаланади.

М.Усмонова шеърларида ўзига хос бадиий ташбеҳлар китобон дилига ўзгача завқ бағишлайди. "Ўсиб қолган куннинг буйлари" жумлаларидан ёшлик қувноқлигини туйсақ, "Дарахт" деб номланган шеърдан чуқур ўйга толамиз.

Меҳрли қалбда ёвузлик, ҳасад бўлмайди. Ўз юртига, фарзандига, яқинларига садоқатли, яхши хислатлар соҳиба си Мунаввара Усмонова битган ўтли сатрлар дилларимизда Ватанимизга бўлган муҳаббатимизни янада кучайтиради. Қалбимизда номлари ўчмас из қолдирган буюк шоирлар сатрларининг мантқиқий давомий сифатида жаранглайди. Жонажон Ватанимизга оламшумул ижобий ўзгаришлар бўлаётган ушбу кезларда суюкли шоиримизнинг ажойиб шеърлари юртдошларимизнинг дилига гулу раёқларнинг муаттар ифори янглиг ташириб буюриши шубҳасиз.

Муқаддасхон ЭРГАШЕВА,  
Шахрихон туманидаги  
65-мактабнинг она тили  
ва адабиёт фанлари  
ўқитувчиси

# САОДАТ ТИМСОЛЛАРИ

▶ БОБОСЎЗ

Жалолиддин Румий ҳазратлари айтганидек, дилга сингдирилган илмгина кишига ёр бўлиб, унга ҳақ йўлида ҳамроҳ бўлади. Аксинча, тамога сингдирилган билим илон каби кишининг кибрини орттириб, соҳибини йўлдан оздириши ҳам мумкин.

Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб "Қуталғу билиг" достонининг инсонни ҳақ васила етказувчи китоб эканига шубҳа йўқ. Зеро, мақур асар кўнгли дардларига малҳам бўладиган сирлар қалитини очажак.

Ўз даврида асар "Адаб ул-мулук" ("Подшоҳлар одоби"), "Амин ул-мамлакат" ("Мамлакат омонликлари"), "Зийнат ул-умаро" ("Амирлар зийнати"), "Шоҳномаи туркий" ("Туркий Шоҳнома"), "Пандномаи мулук" ("Подшоҳлар пандномаси") каби юксак номлар билан шарафланган.

Бизнингча, мақур достонга берилган таърифларнинг барчаси жамланганда ҳам, улар қанчалик жозибадор бўлмасин, асар олдида шунчалик гариб кўринади. Зеро, Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб битиклар ҳар қандай таърифу тавсифдан юксакроқдир.

Достоннинг туронликлар орасида айнан "Қуталғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") номи билан довруқ қозонгани ҳам бежиз эмас.

Асар бадиияти қанчалик гўзал бўлса, мазмун-моҳияти шунчалик чуқур. Уни ҳис этмоқ ва англамоқ учун ҳаёлот дунёсининг осмонида булутлардан-да юксак умчок, фикрат уммониданга энг теран гўшаларига шўнғимоқ лозим. Асарнинг зоҳирий жилваси ҳақида рус олим-

ларидан бири С.Г.Кляшторний шундай ёзган эди: "Қуталғу билиг"да бир қанча адабий анъаналар мужассамлашган. Достон бандларида гоҳ қадимги туркий марсияларнинг ҳаяжонли садолари янграйди, гоҳ форсий пандномаларга хос дидактика эшитилади, гоҳ сахро қўшиқларининг акс-садоси куюлмоқда, гоҳ суфийларнинг мистик символикаси сезилади".

Асар мутолаасига киришган киши бу сўзларнинг айтиш ҳақиқат эканини илғайди. Достон ботинидаги нафосат эса бундан-да ранг-баранг. Унда нафақат, ҳукмдорларга, балки барча сарой аёнларига, қолаверса, олдий фуқароларга ҳам тегишли кўрсатмалар берилган. Аммо мақур байтларни фақат бир томонлама, ўз маъносидан ташуниши, асарга нисбатан беписандлик, муаллифга нисбатан эса ҳақорат бўлур эли.

Саодатга элтувчи билим бойлик орттириш йўлларини ўргатадиган, туш таъбирларини аниқлайдиган ёхуд ёлғон-яшиқ қўшиб-чатилган доғматик ақидалардан фарқли равишда дилга таскин, миёга шуур сингари го бўладиган таълимотдир.

Алишер Навоий "Ҳайрат ул-аброр" достонининг 20-бобидан инсон вужудини бир шаҳарга муқояса этиб, кўнглини ўша шаҳарнинг хожаси, бошқа аъзоларни эса фуқароси сифатида эътироф этади.

"Қуталғу билиг" достонини таҳлилу талқин этишда ҳам сўз мулки султонининг ушбу тавсиясига амал қилсақ, Юсуф Хос Ҳожиб асари қатигада хазиналар беркитилган сандиқлар секин-аста ўз зулфини паршон айлаётганини ҳис этамиз.

Бир қарашда аллома ижодкор қаҳрамонларининг номи остига яширинган тимсолни баён этиб, китобхон фантазиясини тизгинлаб қўйгандак таассурот қолдиради. Аслида эса бу изоҳлар асар моҳиятига чуқурроқ киришимиз учун ўзига хос калит вазифасини ўтайди.

Мисол учун, адолат ва ҳукмронликнинг рамзи бўлган Кунтуғди элиг тоза ва ишқатлаб кўнглига ишоратдир.

Асар мутолааси жараёнида инсон дунёга бир кўнгли кўзи билан назар ташла-

са, кейинчалик унинг ишларини ақл тарози билан ўлчайди. Бир бойлик ҳавосига берилса, гоҳида қаноат заҳматидан роҳат топади. Достон китобхонни баъзида қарама-қарши туйғулар исканжасига ташласа-да, энг тўғри йўл кўнглида, дилдаги кибр-ҳаво ва тамадан холи хоҳисорликда эканига ишора қилаверади.

Асар қаҳрамони Кунтуғди элиг Ўзғурмишни хизматга чорлаб, мактуб юборганида рад этади. Ихлос қилиб, юзини кўриш, зиёрат қилиш истагини билдиргандагина рўйхушлик беради.

Кунтуғди элиг Ойтуғди сўзларига кириб бойлигини зиёда этган бўлса, Ўғдулмиш маслаҳатлари билан мамлакатда тартиб ўрнатади. Ўзғурмиш тавсияларидан сўнг эса фуқаролар фаровон ашай бошлайди. Яъни:

*Тўғдули буюн ҳам суғдули эли  
Тиниб инчкэ тездеи йил ай кун йили*

*Татиди тириклик эл асли би?*  
Эрзожин авини севинчин кули  
(Халқ тартибга келди ҳамда эли тозаланди. Тиниб кун, ой йиллари фароғатга туташди. Эл манфаати тириклик толи бўлди, Севинч билан қулиб, фароғат билан овуниди).

Достон ниҳоясида Ўзғурмиш вафотидан сўнг ундан қолган буюмларни Кунтуғди ва Ўғдулмиш тақсимлаб олишади. Асони Кунтуғди олиб, рақвани (раква – чармдан тайёрланган идиш бўлиб, ювинишда фойдаланилган) Ўғдулмишга беради. Бу ҳолат кўнглига тўғрилиқ, ақлга софликнинг раво кўрилишига ишора бўлса керак.

Достон асосан 4 образнинг мунозарасига қурилган. Ўғдулмишнинг элига зарур бўладиган 4 та сифатни санаши, Ўзғурмишнинг Кунтуғдидан ўлим билмас тириклик, қариллик билмас навқиронлик, касалик билмас саломатлик, камбағаллик билмас бойлиқни билдирган 4 та тилак сўраши, муаллифнинг 4 чоҳриёр, 4 унсур, 4 муча соғлиги ва 4 мизож таърифларини келтириши беихтиёр тасаввуфдаги шарият, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини ёлға солади.

Бу ҳолатда ҳам инсон вужудида ҳар бир фазилатнинг ўз ўрни, ўзига хос вазифаси борлиги, уларни ўзлаштириш орқали инсон камолотга юксалиб бориши, бу юксалиш ўз навбатида дилдаги гам-қайғунини артишти таъкидлангандек.

Тоза кўнгли, бахт ва ақл Яратганнинг инояти эканини улуг аллома Кунтуғди, Ойтуғди ва Ўғдулмишнинг бир-бирларини жуда осон топгани ва осон тушунганида кўрсатади. Фақат Қаноат-Ўзғурмишгина улар суҳбатидан ўзини олиб қочади. Демак, у мўмин киши кўнглидаги кибр-ҳавони, мол-дунёга чексиз муҳаббатни аритмасдан туриб чин комилликка, ҳақ васлига етиши олмаслигининг рамзидир.

"Қуталғу билиг" достонини ниҳоясида Кунтуғди ва Ўғдулмишнинг бутун ҳаётини зоҳидликка бағишлаган Ўзғурмишга ҳавас қилиши, уларнинг ўтган умрига ачинаши ҳам кўнглидаги кибрнинг хоҳисорликка эврилишига ишора бўлса, не ажаб.

Кунтуғди элининг Ўзғурмишга ҳавас билан қилган ҳасратини Юсуф Хос Ҳожиб шу тарзда тасвирлайди:

*Узн йүк йәнүтти бу дуня қодуб  
Илиндим мэн эмди агир йүк йүдуб*

*Бу дуня иши қилди машғул мэн  
Баёат тапғинаэ ўз тэлаэмэ қани  
(Сен бу дунёни тарк этиб, ўзинг юкин енгиллатдинг. Мен эса огир юк кўтариб, туттидим. Бу дунё ишлари мени банд этди. Худонинг тоат-ибодатига етолмайман).*

Чинакам саодат кўнглини балбин ҳаёллар, умидсизлигу ўкинчдан асраш, ўзиндаги барча иллатларни йўқотишга уриниш, фақат эзгулик ёди билан яшаш, қўлидан келганча кимгадир яхшилик қилиш демакдир.

Элбек ЭРКИН  
P.S.

*Мутолаа жараёнида дарҳақиқат Юсуф Хос Ҳожиб асари тилининг устоз адиб Хуршид Даврон ёзганидек, жангдаги тиг жаранеиза ҳамоҳанглигини англадим. Эҳтимол, бу ҳолат аждодларимиз қонидаги жанговарлик, тийнатидаги мардоналикнинг бир инъикосидир.*

## Улуғлар сабоғи Яхшилик ва ёмонлик таърифи

Яхшилик юзда виё, қалбда нур, жисмда қувват, ризқда кенглик ва инсонлар қалбидан муҳаббат пайдо қилади. Ёмонлик эса жисмда заифлик, ризқда торлик ва инсонлар қалбидан нафратни пайдо қилади.

САБР

Йўлда бир кишини бошқа бири сўкаётганини кўрган йўловчи: "Сени шунча ҳақоратлаб сўкса, нима учун индамайсан?" деганида у: "Агар ит сенга вовулласа, сен ҳам унга вовулайсанми?" деб сўради. У йўқ, деб жавоб берибди. Шунда у яна: "Агар сени эшак тепса, сен ҳам уни тепасанми?" деб сўради. Йўқ, деган экан, у киши: "У долда ақлли киши эшак ё итга ўхшамаслиги керак", деб жавоб берди.

\*\*\*

Лухмони Ҳаким айтди: "Эй ўғлим! Ёмонликни ёмонлик билан даф қиламан, деган киши ёмонликдир. Агар унинг айтгани рост бўлса, иккита гўлхан ёқиб қарасин-чи, бири иккинчисини ўчирармикан? Ҳақиқатда эса яхшилик ёмонликни худди сув оловни ўчиргандек ўчиради.

## НАФСНИ ТИЙИШ ҲАҚИДА

Бир гуруҳ ари айланиб, кўзада турган қиёмга дуч келиб қолди. Фурсатни ганимат билиб, имкон бори-ча қиёмдан олишга ҳаракат қилди. Оқибат шу бўлдики, оғирлашиб қолганлари туйфайли кўзадан қайтиб чиқолмай, ҳалокатга юз тутдилар.

## МУОМАЛАДА МЕЪЁРНИ БИЛИШ ҲАҚИДА

Ҳазил-маваз қилишдан сақлан. Чунки у шароф тожини зое қилиб, ҳайбатни кетказди. Агар улғу одамга ҳазил қилсанг, сени ёмон кўради. Пасткашга ҳазил қилсанг, сена нисбатан журъатли бўлади.

Бобомурод ЭРАЛИ таржимаси  
("Қадимдан ҳозиргача..." энциклопед. ривоятлар, ривоятлар китобидан)

**Мустақиллик байрами муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

**"Агробанк" АТБ жамоаси**  
Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан самимий кутлайди. Ватанимиз ҳамisha тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида "Истиқлол – 25" номли омонат турини таклиф этади.

www.agrobank.uz  
тел. (+99871) 203 88 88

**AGROBANK**  
Хизматлар лицензияланган

**ИПОТЕКА BANK**

**Ипотека банк**  
жамоаси

ватандошларимизни энг азиз байрам – Истиқлолимизнинг кутлуғ **25** йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Reklama

# Мустақил юртнинг узаффар ўғлонлари

«Бошланиши 1-бетда»

Хасанбой Дўсматов, Фазлиддин Ғоибназаров, Шаҳобиддин Зоиров номлари олимпиада чемпиони сифатида эътироф этилган бўлса, Бектемир

Бразилияда нафақат олтин медаль билан, балки энг яхши боксчига берилган кубок билан ҳам тақдирланди. Олимпиаданинг сўнгги кунинда ҳам икки нафар юртдошимиз олимпия

чиси ҳам рингга фақат ғалаба учун чиққани аниқ. Ҳар учала раунд боксчилар учун жуда оғир кечди. Якунда Фазлиддин Ғоибназаров кичик устунлик билан ғалаба қозониб, биринчи ўринни эгаллади. Ўзбек чарм қўлқоп усталари томонидан намойиш этилган жасорат, матонат барчамиз учун ўрнак бўла олди. Боксчиларимизнинг бу ютуғи мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига ҳақиқий совға бўлди.

Эркин курашчиларимиз ҳам мусобақаларда муҳлису мутахассисларда ижобий таассурот қолдирди. Полвонларимиздан икки нафари Магомед Ибрагимов ва Ихтиёр Наврўзов эзги олимпия ўйинларининг бронза медаллари билан тақдирландилар. Айтишса, эркин курашчи Ихтиёр Наврўзовнинг учунчи ўрин учун кечган баҳси анчагача ёлди қолдиган бўлди. Курашчимиз ютуғи ҳалол баҳоланди. Спортчиларимизнинг улкан зафарлар билан юртимизга қайтиб келиши муҳлислар учун ҳақиқий байрамга айланди. Олимпиячиларимизни Тошкент халқаро аэропортида отахонлар, онахонлар, талаба ёшлар турли касб ва соҳа вакиллари билан иборат кенг жамоатчилик катта тантана билан кутиб олди.



Мелиқўзиев ва Муроджон Аҳмадалиев кумуш медал билан тақдирландилар. Улар олимпиадада илк бор иштирок этган бўлсаларда, олтин медалларни мардонавор қўлга кириштириб, ватан мадҳияси остида ҳур байроғимизни банд кўтара олдилар. Вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар мусобақаларида иштирок этган ҳамюртимиз Хасанбой Дўсматов биринчи олтин медални қўлга киритганди. Унинг маҳорати, хатти-ҳаракатлари бокс мутахассисларини эътиборсиз қолдирмади. Дўсматов

чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Дастлаб, 52 килограммгача вазн тоифасида Шаҳобиддин Зоиров финалда россиялик Миша Алоян билан жанг ўтказди. Мурросасиз ва кескин курашларга бой бўлган жангда ҳакамлар бир овоздан Шаҳобиддиннинг ғалабасини эътироф этишди.

Жобир ХўЖАКУЛОВ

**ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**"Асака" банк**

яқинлашиб келаётган "Мустақиллик кунини" байрами муносабати билан куйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

**"МУСТАҚИЛЛИК – 25"**

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади

**"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган